СССР Давлат китоб палатаси

ХОРАЗМ ВИЛОЯТИ ҒАЛЛАКОРЛАРИГА ВА БАРЧА МЕҲНАТКАШЛАРИГА!

Азиз дўстлар!

Сизларни дастлабки меҳнат ғалабангиз — давлатга ғалла сотиш бўйича йиллик режангизни мамлакатимизда биринчи бўлиб уддалаганингиз билан чин кўнглимдан муборакбод этаман.

Хоразмликлар азалдан улкан деҳқончилик мактабига ва бой анъаналарига эгалигини яна бир бор исботладилар.

Сизлар метин иродангиз, деҳқончилик илмингиз, ерга бўлган муносабатингиз, фидойилигингиз ва доимо янгиликка интилишингиз туфайли ана шундай натижага эришдингиз. Ҳар гектар ердан 50 центнердан ошириб ҳосил олдингиз. Режага қўшимча равишда давлатга яна ўн минг тонна ғалла топшириш аҳд қилганингизни мамлакатимиз тараққиётига, халқимиз фаровонлигига қўшаётган улкан ҳиссангиз, деб биламан.

Муҳтарам дўстлар!

Фурсатдан фойдаланиб, Сизларни — вилоят ғаллакорларини, механизаторларини, мутахассисларини ва барча меҳнаткашларини улкан ғалаба билан яна бир бор муборакбод этар эканман, ҳаммангизга мустаҳкам соғлиқ, оилангизга тинчлик, омонлик, Ватан ва халқимиз равнақи йўлидаги эзгу ишларингизда муваффақиятлар тилайман.

Ислом КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти

ХОРАЗМ ҒАЛЛАКОРЛАРИНИНГ ЗАФАРИ

Мамлакатимиз ғалла мустақиллигини таъминлашга муносиб ҳисса қўшишга интилаётган Хоразм вилояти деҳқонлари давлатга дон етказиб бериш буюртмасини республикада биринчи бўлиб бажардилар. Ҳар гектар ердан ўртача 50 центнердан ҳосил кўтарилди. Бу ўтган йилдагидан 10 центнер кўпдир.

Қишлоқда меҳнатни янгича ташкил қилиш, деҳқонни замонавий техника билан таъминлаш, уруғчиликка жиддий эътибор бериш, энг муҳими — деҳқонда ерга эгалик ҳиссини шакллантириш борасидаги ишлар муваффақият омили бўлди.

Мамлакатимиз мустақиллигининг етти йиллигини муносиб кутиб олишни ўз олдиларига мақсад қилиб қўйган вилоят ғаллакорлари яна 10 минг тонна дон топшириб, ялпи хирмонни 200 минг тоннага етказишга қарор қилдилар.

(ЎзА)

ХИРМОН ТЎЛИБ ТЎКИЛДИ ДОН

Пахтачи ва Нарпай туманлари давлатга ғалла топшириш режасини ортиғи билан адо этдилар. Пахтачиликлар давлатга 7971 тонна ва нарпайликлар эса 13665 тонна ғалла топшириб, ҳосилдорликни 45-50 центнерга етказишди. Й. Охунбобоев, Ш. Назаров, Ш. Қаҳҳоров, Бобур номли агрофирма, «Ғалаба», «Иттифоқ», «Бўстон» каби жамоа хўжаликларида ҳосилдорликни 55-60 центнерга етказиш мўлжалланмоқда. Пахтачиликлар қўшимча минг тонна, нарпайликлар эса икки минг тонна ғалла топшириш мажбуриятини олишди. Т. Омонов, Т. Мелиев, Э.Жўраев каби комбайнчилар ўрим-йиғимда пешқадамлик қилишмоқда.

Лутфулла МАМАСОЛИЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

Ватанни севмак иймондандур!

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси газетаси

1998 йил 23 июнь, сешанба • № 74 (22.311).

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

ПРЕЗИДЕНТ ҲУЗУРИДА ҚАБУЛ

СУРАТЛАРДА: қабул пайти.

Собир ЗУФАРОВ (ЎзА) олган суратлар.

22 июнь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов АҚШнинг "Ньюмонт Голд" компанияси раиси, президенти ҳамда бош ижрочи директори Роналд Кэмбри раҳбарлигидаги ушбу компания делегациясини қабул қилди.

Суҳбатда давлатимиз раҳбари икки мамлакат ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик алоқалари яхши самаралар бераётганидан мамнуният изҳор этди. Хусусан, америкаликлар билан ҳамкорликда ташкил этилган "Зарафшон — Ньюмонт" қўшма корхонаси ўтган йилни яхши кўрсаткичлар билан якунлади. Таъкидлаш керакки, жаҳон бозорида олтин баҳосида пасайиш кузатилаётган бўлсада, бу қўшма корхона фаолиятига ўз таъсирини кўрсатгани йўқ.

1921 йили ташкил топган "Ньюмонт Голд" компанияси айни кунда олтин қазиб олиш бўйича дунёдаги энг юқори ўринлардан бирини эгаллаб турибди. Ўзбекистон ҳукумати билан ушбу компания ўртасидаги келишувга биноан, 1992 йили "Зарафшон — Ньюмонт" Ўзбекистон — Америка қўшма корхонаси ташкил топди. Корхона 1995 йилдан буён Мурунтов конидаги қолдиқ рудани қайта ишлаб, ундан юқори сифатли олтин олмоқда. 1997 йил натижаларига кўра, "Зарафшон — Ньюмонт" дунёнинг етакчи олтин қазиб олувчи корхоналари сафидан жой олди.

Суҳбат чоғида "Зарафшон — Ньюмонт" қўшма корхонаси фаолиятининг самарадорлигини янада ошириш, "Ньюмонт Голд" компанияси томонидан Ўзбекистонга қўшимча сармоя киритиш имкониятлари ҳамда томонларни қизиқтирган бошқа масалалар юзасидан фикр алмашилди.

Қабул маросимида Ўзбекистон Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси раиси Т. Шоёқубов, ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки бошқаруви раиси Р. Азимов иштирок этди.

(ЎзА)

БИЗ ОРИЯТЛИ ХАЛҚМИЗ

Иқтисодий-ижтимоий ҳаётимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар қандай самара бермоқда? Мамлакат тараққиётининг муҳим бўғини — қишлоқ хўжалиги соҳасида қабул қилинган янги қонун ва қарорларни ҳаётга татбиқ этишда қандай муаммолар мавжуд? Одамларни иш билан таъминлаш, халқимиз турмуш шароитини яхшилаш борасидаги вазифалар қандай бажарилмоқда? Юртдошларимиз тафаккурида ўзгариш рўй беряптими, уларда янгиликка интилиш, изланиш борми? Президент Ислом Каримовнинг Андижон ва Фарғона вилоятларига сафари чоғида ана шу саволлар деҳқонлар, мутахассислар, хўжалик ва корхона раҳбарлари билан ўтган учрашув ва мулоқотларнинг асосий мавзуи бўлди.

Деҳқончиликнинг мақбул усули

Юксак даражада ривожланган деҳқончилик жамият моддий ҳаётининг, аҳоли таъминотининг асосий шарти экани ҳеч кимга сир эмас. Шунинг учун ҳам аграр соҳани ривожлантириш, қишлоқда мулкдорлар синфини шакллантириш, шу йўл билан юқори самарадорликка эришиш бугунги куннинг долзарб вазифаси бўлиб турибди. Президентимиз ташаббуси ва бевосита раҳбарлигида ишлаб чиқилган Ер кодекси ҳамда ширкат, фермер ва деҳқон хўжаликлари тўғрисидаги қонунлар қишлоқда мулк муносабатларини ҳал этишда, хўжалик юритиш фаолиятини такомиллаштиришда ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилади. Тўғри, бу қонунлар эндигина ҳаётга татбиқ этилмоқда. Шундай бўлса-да, унинг дастлабки самараларини айрим хўжаликлар мисолида кўриш, таҳлил этиш ва муайян хулосага келиш мумкин.

Балиқчи тумани "Шерали чек" жамоа хўжалиги фермери Маъруфжон Насриддинов 9,1 гектар ерга буғдой эккан. Жамоа хўжалиги билан ҳар гектар ердан 65 центнердан ҳосил етказиб бериш тўғрисида шартнома тузган. Ёз офтобида товланиб турган олтинранг буғдойзор ҳосилдорлик 85-90 центнердан кам бўлмаслигидан далолат беради.

Давлатимиз раҳбари фермердан "Сизнинг хўжалик билан шартномангиз бор экан, қўл остингизда ишловчилар билан муносабатингиз қандай? Умуман сиз ўзингизни эркин, мустақил ҳис этяпсизми?" деб сўради.

— Мен мустаҳкам оёққа туриб олгунча ички фермер хўжалиги шаклида ишлашни маъқул кўрдим, — деди Маъруфжон ака. — Мен билан 13 киши меҳнат қилади. Барча аъзолар билан алоҳида-алоҳида шартнома тузганман. Ҳатто жияним бўлса ҳам, мен унинг меҳнати учун тўғри ҳақ тўланиши, қолаверса, бутун таъминоти, тўкинчилиги учун жавобгарман.

Шартномада даставвал 2 минг сўмдан ойлик маош, унга қўшимча равишда зарур озиқ-овқат маҳсулотлари бериб бориш кўзда тутилган. Бундан ташқари шартномадагидан ортиқ уруғлик ҳосилни ҳам жамоа хўжалигига топшириб, ўрнига истеъмол қилинадиган буғдой олиб, аъзоларга бўлиб бераман. Мен асосан ишни ташкил этиш, ўғит, сув, техникани қулай агротехник муддатларда етказиб бериш, маош ва керакли маҳсулотларни вақтида олиб келиш билан шуғулланаман.

Суҳбатдан маълум бўлдики, фермер кузда гектар бошига 230 килограммдан қайта ишланган, дорилган, сара уруғликни сотиб олган экан. Кузда ерни ҳайдашдан тортиб, ҳосилни омборга топширгунча кетадиган харажатни ҳисоблаб чиқса, бир килограмм етиштирилган буғдой 13 сўмдан тушибди. Унинг харид нархи эса 25 сўмдан белгиланган. Демак, солиқ ва суғурта тўловларини чегириб ташлаганда фермер хўжалиги ҳар килограмм ҳосилдан ўртача 7-8 сўмдан соф даромад олади.

Ислом Каримов Маъруфжон аканинг ҳисоб-китоби пухталигидан, бундан ташқари ўқитувчилик касбини ҳам давом эттириб келаётганидан, тараққиётимиз тамойилларини, ислоҳотлар моҳиятини теран тушунишидан мамнун бўлди.

Ҳар қарич ерга сиз ва аъзоларингизнинг катта меҳнати сингган, деди Президент. Энди ҳамма гап шундаки, ана шу меҳнатга яраша ҳақ тўланадими? Етиштирилган ҳосил адолатли нархларда сотиб олинадими? Даромад ишловчилар ўртасида холисона тақсимланадими? Мутасадди раҳбарлар ана шу жиҳатларга жиддий эътибор бериши керак. Фермер хўжаликларининг рентабеллиги 30-45 фоиздан кам бўлмаслигига эришмоқ лозим. Чунки одамлар ёнидаги фермер хўжалигининг гуллаб-яшнаганини кўрса, уларда шу ҳаракатга қизиқиш уйғонади. Улар сафига қўшилиш истаги пайдо бўлади. Акс ҳолда, агар фермер яхши даромад ололмаса, синса, биз бу ишни, бу ҳаракатни обрўсизлантириб қўйган бўламиз. Натижада, одамларнинг ихлоси сўнади. Қўл силкиб, яна боқимандалик кайфиятига берилиб кетади. Бунга эса йўл қўйиб бўлмайди, дея таъкидлади Ислом Каримов.

Айтилганлардан қандай хулосага келиш мумкин?

Аввало, фермер хўжалиги деҳқонга мустақил иш юритиши учун имкон беради. Уруғни қачон экиш, қачон суғориш, қачон ўғит солишни унинг ўзи ҳал қилади. Чунки, барча жавобгарлик, масъулият унинг зиммасида. Аслида, деҳқончилик сир-асрорларини унга ўргатишнинг ўзи ортиқча.

Иккинчидан, бу усулда меҳнатга яраша даромад олинади. Шўро тузумига хос бўлган сунъий тенглаштиришга йўл қўйилмайди. Яъни, фермер хўжалиги ишлаб топган даромад "умумий қозон"га тушиб кетмайди.

Учинчидан, фермерда ерга эгалик ҳисси кучли бўлади. У "Шу ер — меники, унинг ҳолатини қанча яхшиласам, шунча ўзимга фойда", дея заминга бор меҳрини бериб меҳнат қилади. Қолаверса, юқори даромад —фаровонлик манбаидир. Катта даромад оладиган одам қанча кўпайса, юрт шунча обод бўлади. Чунки, мамлакат бой ва фаровон бўлиши учун унинг фуқаролари бадавлат бўлиши керак.

Энг муҳими, юқори самарадорлик ҳам, даромад ҳам охир-оқибатда мана шу эл-юрт, одамлар эҳтиёжи учун хизмат қилади. Бозорда маҳсулот кўпайса, рақобат кучаяди. Арзончилик, тўкинчилик бўлади. Бу эса амалга оширилаётган ислоҳотларнинг асосий мақсадидир.

Эртанги кунни ўйлаб ишлайлик

Ҳаёт фалсафаси, турмуш тақозоси шундайки, инсон фақат бугуннинг ташвиши билан яшамайди. Айтайлик, оилада фарзанд туғилиши билан унга тўй қилай, билим берай, уй қурай деган ҳаракатга тушилади. Шу маънода, жамиятни, мамлакатни ҳам улкан оилага қиёслаш мумкин, деб ўйлайман. Бинобарин, Президент Ислом Каримов раҳнамолигида Ўзбекистонда амалга оширилган оламшумул ишлар — нефть ва ғалла мустақиллигига эришилиши, халқимизнинг ғурурига айланган улкан коммуникация тармоқлари, заводлар, осмонўпар бинолар — барчаси бахтли келажагимизга пойдевор бўлиб хизмат қилади. Бу ишлар изчил давом этмоқда. Қизилқум фосфорит заводи, Фарғона кимёвий толалар заводи қошидаги экспортга рақобат бардошли маҳсулот чиқарадиган "Полиамид — 6" корхонаси каби янги-янги заводлар ишга тушаётгани, иншоотлар қуриб битказилаётгани тўғрисидаги хабарларни матбуотда ўқиб турибмиз.

Айни вақтда деҳқончиликда юқори самарадорликка эришиш, шу орқали қишлоқ аҳолисининг турмуш шароитини яхшилаш масаласи ҳам ҳал этилмоқда. Республика Олий Мажлиси қабул қилган янги қонунлар бу соҳадаги аҳволни тубдан ўзгартиришда муҳим омил бўлади.

Лекин аграр соҳада эҳтиёждан ортиқча ишчи кучи мавжудлиги ҳамон муаммо бўлиб турибди. Бунга эски тузумдан қолган оғир мерос — қишлоқда саноат тармоғи ривожланмагани ҳам сабаб бўлаётир.

Балиқчи туманидаги "Пахтакор" жамоа хўжалигининг Абдуманноп Кетмонов бошлиқ бригадасида ҳар бир ишловчига 0,75 гектардан ер тўғри келади. Бу оз, албатта. Кўнгилдагидек даромад олиш учун бу кўрсаткич камида 2 гектар бўлиши керак.

Шу тумандаги Мунисхон Муродуллаева раислик қилаётган "Ўзбекистон" жамоа хўжалигининг 2-дончилик бригадасида 15 гектар ердан 91,3 центнердан ҳосил олиш мўлжалланмоқда. Хў жалик аъзолари ўримни "Кейс" комбайнлари билан 12 иш кунида якунлашни режалаштиришган. Чунки бу комбайнларнинг иш суръати "Нива", "Енисей"га қараганда 5-6 баравар ортиқ. Ҳосилни деярли нобуд қилмай ўради.

Хўжаликда пахтанинг ривожи ҳам яхши. Улар "Юлдуз" навли чигит экиб, 45 центнерлик маррани кўзлашмоқда.

Президентнинг "Оила пудратига ўтиб ишласаларинг, маъқул эмасми?" деган саволига опа "Оилаларга бўлиб бериш учун ер етишмайдида" дея жавоб берди. Демак бу ерда ҳам ўша муаммо.

Ҳолбуки, оила пудратининг афзаллиги аён ҳақиқат. Чунки, бригада асосида ишлаганда жавобгарлик ҳам, манфаатдорлик ҳам умумий бўлади. Ҳамма деярли тенг ҳақ олади. Кимнинг кўп, кимнинг кам ишлаганини ҳам аниқлаш мушкул. Оила пудратида эса — мутлақо бошқача. Ҳар бир оила ўз ишини билиб қилаверади. Назоратнинг, "бўл, бўл"нинг ҳам кераги йўқ. Фақат...

Давлатимиз раҳбари бундай вазиятдан чиқиш йўллари хусусида батафсил тўхталди. Вилоят аҳолисининг ўсиши йилига деярли 3 фоизни ташкил этмоқда, деди Президент. Бу йилига 60-70 минг, беш йилда эса 350 минг аҳоли қўшилади демакдир. Лекин ер ўша-ўша, уни кенгайтириб бўлмайди, сув ресурслари ҳам ўша. Шундай экан, биз эртани ўйлаб ишлашимиз, туғилиши мумкин бўлган муаммоларнинг ҳозирдан олдини олишимиз даркор. Бу ҳар бир хўжалик, туман, вилоят раҳбарининг диққат-марказида туриши керак.

Президентнинг тавсия этган ечимлар нималардан иборат? Биринчидан, томорқа хўжаликларини деҳқон хўжаликларига айлантириш, рўйхатдан ўтказиш, уларга меҳнат дафтарчаси очиш зарур. Шунинг ўзи ҳам минглаб одамларни иш билан таъминлаш имконини беради. Ахир, улар ҳам етиштирган маҳсулотини бозорга чиқаради, жамият бойлигига бойлик қўшади. Демак, улар ҳам нафақа олишга, бошқа имтиёзлардан фойдаланишга ҳақли бўлади. Иккинчидан, фермер хўжаликларини ривожлантириш, улар оёққа туриб олиши учун ёрдам бериш зарур. Учинчиси, қишлоқда маиший хизмат кўрсатиш шаҳобчаларини кўпайтириш, кичик корхоналар очиб, ортиқча ишчи кучини шу соҳаларга йўналтириш даркор. Тўртинчидан, саноатни қишлоққа олиб келиш лозим. Бунинг учун эса аввалдан улар ишлаб чиқарадиган маҳсулотга эҳтиёж борми, шуни, яъни маркетингни ўрганиш керак.

Мақсад шуки, одамлар ишлаши, даромад олиши учун шароит яратиш лозим. Токи, ҳар бир инсон самарали меҳнат қилсин, ўзига фойда топсин, жамиятга ҳам наф келтирсин.

Иқтисодий мустақиллик пойдевори

Ўзбекистон сиёсий истиқлолни қўлга киритгач, халқимиз олдида уни иқтисодий мустақиллик билан мустаҳкамлашдек оғир, лекин шарафли вазифа турарди. Чунки, иқтисодий жиҳатдан бировга қарам бўлган халқ ўзини эркин ҳис қилолмайди. Шу мақсадда Президент Ислом Каримов халқ хўжалигининг етакчи тармоқлари, ҳаёт-мамот масаласи бўлган нефть, ғалла соҳаларида мустақилликка эришишнинг аниқ йўлларини белгилаб берган эди.

Шукрки, бу эзгу ниятларга эришдик. Нефть ва газ маҳсулотлари билан ўз эҳтиёжимизни қондирибгина қолмай, уларни қўшни давлатларга ҳам сота бошладик. Ялпи ички маҳсулот ишлаб чиқариш суръатлари бўйича Ҳамдўстлик давлатлари орасида энг юқори кўрсаткичга эришдик. Ўзбекистон автомобиль саноатини вужудга келтирдик. Энг оғир дамларда ҳам бировдан ёрдам сўраб, қўл чўзиб бормадик. Бутун дунё олдида кўзлаган мақсадига эриша оладиган ориятли халқ эканимизни намоён қила олдик.

Бунга ўз-ўзидан эришилгани йўқ, албатта. Айниқса, деҳқончилик борасида халқда " Йил йилга ўхшамайди", деган мақол бор. Бу — деҳқончиликда олинадиган ҳосил уруғ сифати, табиий иқлимнинг қандай келиши, сув, ҳаво ҳарорати каби кўп омилларга боғлиқ деганидир. Яъниким, деҳқон бир йили мўлжалдагидан кўпроқ, бошқа йили камроқ ҳосил олиши мумкин.

Андижон туманидаги дон уруғчилиги тажриба майдонида бўлган чоғида Ислом Каримов ғалла мустақиллигига эришиш йўлида қилинган саъй-ҳаракатлар, уларнинг натижалари ва мамлакат ҳаётидаги улкан аҳамияти хусусида гапириб берди.

Ғаллачиликда ҳосилнинг 50 фоизи уруғнинг сифатига боғлиқ, деди давлатимиз раҳбари. Бу борада Андижонда тажриба мактаби яратилди. Лекин эндиги вазифа республикамизнинг ҳар бир вилоят, тумани табиий шароитига мос уруғ навлари яратишдан иборатдир. Бу борада ўзбошимчаликка, ҳар ким хоҳлаган уруғни олиб келиб экишига йўл қўйиб бўлмайди. Бу борада ягона сиёсат бўлиши лозим. Биз 1 миллион 100 минг гектар суғориладиган ерга ғалла экканмиз. Гектар бошига 40 центнердан ҳосил олганимизда ҳам ялпи ҳосил 4 миллион 400 минг тоннадан ошади. Бунга лалми ерлардаги ҳосилни ҳам қўшсак, режамиз аниқ ҳисобкитоб асосига қурилганига амин бўлиш мумкин. Мана бу ерда "Купава", "Деметра", "Краснодар" каби 10 га яқин уруғ навларини кўрдик. Энди ўзбек навини яратиш хусусида ҳам ўйлаш керак. Унинг ҳосилдорлиги камида 60 центнер бўлиши лозим. Шунда ўртача 40 центнердан ҳосил олсак, ғалла мустақиллиги барқарор бўлади.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган ишлар билан танишган одам улар аввало халқ манфаати, ҳеч бир соҳада бировга қарам бўлмаслик йўлида бажарилаётганига ишонч ҳосил қилади. Хўжаободдаги лойиҳа қиммати 200 миллион АҚШ доллари бўлган 900 минг куб метр актив газ сиғимига эга ер ости заҳираси ҳам Фарғона водийси аҳолисини газ билан таъминлашда, тўғрироғи, уни етказиб беришда ҳар хил муаммоларга дуч келмаслик мақсадида бунёд этилаётир.

Мухтасар айтганда, мустақиллик шарофати билан бошланган хайрли ишлар илк самараларини бермоқда. Айниқса, қишлоқ хўжалигини ривожлантиришда янги босқич бошланмоқда. Унинг ҳуқуқий асоси вужудга келтирилди. Энди ҳамма гап омилкорлик билан ишни ташкил эта олишдадир.

Бизнинг халқимиз ор-номусли, ғурурли халқ, деди Президент. У фермер хўжалиги тузадими ёки оила пудрати шаклида ишлайдими ҳеч қачон пахта ёки ғалласи қўшни майдондагидан ёмон бўлишига йўл қўймайди. Буни ўзи учун ор деб билади.

Кейинги вазифа эса фермер, оила пудрати шаклларидан аста-секин пайчиликка ўтишдир. Бунда ширкатлар мустақил хўжаликлар ишини мувофиқлаштириш, уларнинг ҳисоб-китобини йўлга қўйиш, уруғ, техника, сув билан таъминлаш ишлари билан шуғулланиши кўзда тутилади. Ана шунда — ер эгасини топади, ҳар ким ўз даромадига эга бўлади. Давлатимиз раҳбари тавсия этаётган қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг янги модели моҳияти ана шундан иборат.

Шу билан бирга, қишлоқ инфратузилмасини ривожлантириш, одамларга ғамхўрлик қилиш, уларни иш билан таъминлаш энг муҳим вазифа қилиб қўйилмоқда. Бу ҳар бир раҳбар фаолиятининг асосий мезони бўлмоғи лозим. Зеро, бизнинг мамлакатимизда инсон манфаати ҳар нарсадан улуғдир. Шундай экан, ҳар бир иш, ҳар бир қурилиш халқ фаровонлигига хизмат қилсин, унинг ғурурига ғурур қўшсин. Чунки ғурури кучли, ориятли халқ дунёда ҳеч кимдан кам бўлмайди.

Аҳмад ХЎЖА
(ЎзА)

БУ ДУНЁНИНГ ИШЛАРИ

ОРОЛ ДЕНГИЗИ ҲАВЗАСИГА ЁРДАМ

Жаҳон банки Халқаро экология жамғармасининг Орол денгизи ҳавзасини ривожлантириш дастури доирасидаги сув хўжалиги ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бошқармасининг лойиҳасини амалга ошириш борасидаги грантини тасдиқлади. Ушбу дастурга кўра Орол денгизи ҳавзасидаги сувдан аёвсиз фойдаланиш сабаблари аниқланади ва денгиз сувини асраб қолиш йўллари излаб топилади. Халқаро банкнинг маълумотига кўра, асосий эътибор атроф-муҳитни барқарорлаштириш ва халқаро сув ресурсларидан фойдаланиш сифатини яхшилашга қаратилади. Бундан ташқари 2002 йилгача сувдан тежаб-тергаб фойдаланиш режалари амалга оширилади. Айниқса, суғоришга сарфланадиган сув миқдори 15 фоизга камайтирилади.

ХАЛҚАРО ТЕНДЕР ҒОЛИБЛАРИ

Каспий денгизининг Туркманистон Республикасига қарашли қирғоқларида углеводород ресурсларини қидириб топиш бўйича халқаро тендернинг биринчи босқичи якунланди. Унда Американинг «Мобил» («Сардор» кони) ва Британия — Хитой «Кэрн энержи» —« Тексуна» консорциуми («Гаплан» кони) ғолиб чиқишди. Айни пайтда «Сардор» конидаги нефть заҳиралари 200 миллион тонна, «Гаплан» конидаги заҳиралар эса 88 миллион тонна нефть ва 132 миллиард кубометр табиий газ миқдорида баҳоланмоқда.

КАРОЧИДА ПОРТЛАШ

Карочидаги Синд вилояти ҳукумати идораси жойлашган котибият биносида туш пайтида кучли портлаш қурилмаси ишга тушди. Орадан 25 дақиқа ўтгач марказий жамғарма биржасига яқин жойда портлаш қурилмаси ўрнатилган мотоцикл осмону фалакка парвоз қилди. Портлаш натижасида 8 йўловчи қаттиқ шикастланди. Икки киши эса, оғир аҳволда шифохонага ётқизилди. Умуман, кейинги пайтларда юз берган террорчилик ҳаракатлари оқибатида уч кун ичида 25 киши оламдан кўз юмди. Полиция маълумотларига кўра, салкам бир ой ичида Карочида ўқ ва бомбалардан саксондан зиёд киши ҳалок бўлди. Шу нарса маълум бўлдики, полиция жиноятчиларнинг изига тушолмаяпти.

ЎЗАРО ШАРТНОМА ТУЗИШГА ДАЪВАТ

Хитой АҚШга мурожаат қилиб, биринчи бўлиб ядровий зарба бермаслик ҳақидаги шартномани имзолашга чақирди. Бироқ, Американинг ядро ракеталарини бир-бирига қарши қаратмаслик ҳақидаги таклифига эса жавоб беришдан ўзини тийди. «Биз ядро қуролига эга бўлган дастлабки кунлардан бошлабоқ ҳеч қачон биринчи бўлиб ядро қуролидан фойдаланмаймиз, деган принципга амал қилиб келяпмиз. Биз Хитой ва Америка биринчи бўлиб ядро зарбалари бермаслик ҳақидаги шартномага имзо чексалар муҳим иш бўларди», деб ҳисоблаймиз. Бу ҳақда Хитой ташқи ишлар вазирлигининг вакили айтди. Оқ уй вакили эса АҚШ Хитой билан биринчи бўлиб ядро қуролини ишлатмаслик ҳақидаги шартномага ҳеч қачон имзо чекмайди, деб баёнот берди.

ИҚТИСОДЧИЛАР АНЖУМАНИ

Араб давлатларининг иқтисодчилари яқинда Иордания пойтахтида ўзаро кенгаш ўтказишди. Улар Умумараб иқтисодий иттифоқини ташкил этиш ташаббуси билан чиқдилар. Мутахассисларнинг фикрича, халқаро минтақавий иқтисодий бирлашмалар фаолият кўрсатиб турган ҳозирги шароитда Араб дунёси учун ҳам бундай иттифоқ ўта зарур. Бунда араб мамлакатлари ўртасида эркин савдо ҳудудларини ташкил этиш дастлабки қадам бўлади. Шунингдек, ўзаро савдода божхона тўловларини бекор қилиш муҳим. Куни кеча Сурия пойтахти — Дамашқ шаҳрида араб мамлакатлари саноат вазирларининг кенгаши ўз ишини бошлади. Кенгаш 25 июнгача давом этади.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ахбороти

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 1998 йил 23 июндан бошлаб ҳисоб ва божхона тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади*

1 Австралия доллари	55,64	1 Норвегия кронаси	12,07
1 Австрия шиллинги	7,24	1 Польша злотийси	26,44
1 Англия фунт стерлинги	152,02	10 Португалия эскудоси	5,00
10 Бельгия франки	24,69	1 Сингапур доллари	55,44
1 Голландия гульдени	45,19	1 СДР	122,75
10 Греция драхмаси	3,00	1000 Туркия лираси	0,35
1 Дания кронаси	13,38	1 Финляндия маркаси	16,77
1 БАА дирхами	24,88	1 Франция франки	15,19
1 АҚШ доллари	91,36	1 Швеция кронаси	11,53
1 Миср фунти	26,85	1 Швейцария франки	60,99
1 Ирландия фунти	128,27	1 ЭКЮ	100,74
1 Исландия кронаси	1,29	10 Жанубий Корея вони	0,66
10 Испания песети	6,00	10 Япония иенаси	6,64
100 Италия лираси	5,17	1 Россия рубли	14,77
1 Канада доллари	62,06	1 Украина гривнаси	44,39
1 Хитой юани	11,03	1000 Белорусь рубли	2,49
1 Қувайт динори	298,70	1 Латвия лати	152,27
100 Ливан фунти	6,04	1 Литва лити	22,84
1 Малайзия ринггити	23,09	1 Молдова лейи	19,27
1 Германия маркаси	50,94	1 Қирғизистон соми	4,82

***)Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.**

ХДП хабари

МУҲИМ ВАЗИФА

Ўзбекистон ХДП МК Котибияти республика Президенти И. А. Каримовнинг **«Жамиятимиз мафкураси халқни — халқ, миллатни — миллат қилишга хизмат этсин»** («Тафаккур», 1998 йил, 2-сон) номли мусоҳабасида кўтарилган масалаларнинг миллий истиқлол маънавиятини шакллантириш, мустақиллик ғояларининг мамлакатимиз ҳар бир фуқароси, хусусан ёшларининг, шуурига чуқур сингишига эришиш учун муҳим аҳамиятини инобатга олиб, барча партия ташкилотларига юртбошимиз унда олға сурган қоида ва хулосаларни партия аъзолари томонидан ўрганиб чиқишни уюштириш ҳамда уларни аҳоли ўртасида кенг тарғиб қилишда фаол иштирок этиш тўғрисида тавсия берди.

Ушбу ишда маҳаллий партия ташкилотларига кўмаклашиш мақсадида Котибият жамиятшунос олимлар, ижодкор зиёлилар, фаоллардан иборат Марказий Кенгаш тарғибот гуруҳларини жойларга юборишни ҳамда аҳоли ўртасида ўтказиладиган маъруза, суҳбат, мулоқот ва илмий-амалий анжуманлар намунавий мавзуларининг рўйхатини тасдиқлади. Рўйхат қуйида эълон қилинмоқда.

Ўзбекистон Президенти И. А. Каримовнинг «Жамиятимиз мафкураси халқни — халқ, миллатни — миллат қилишга хизмат этсин» («Тафаккур», 1998 йил, 2-сон) номли мусоҳабаси мазмун-моҳиятини ўрганиш ва уни тарғиб этиш юзасидан аҳоли ўртасида ўтказиладиган маъруза, суҳбат, мулоқот ва илмий-амалий анжуманлар намунавий мавзуларининг рўйхати

Маънавият, мафкуранинг жамият, одамлар ҳаётидаги ўрни ва аҳамияти ҳақида.

Мафкуравий бўшлиқ — инсонлар учун зиён, жамият учун катта зарардир.

Ўзбекистон Президенти И. А. Каримов: жамиятимиз мафкураси халқни — халқ, миллатни — миллат қилишга хизмат этсин.

Ватанимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш, Ўзбекистоннинг буюк келажагини рўёбга чиқариш учун юртдошларимизнинг мустақил фикрли, эътиқоди бут, миллий ва умумбашарий қадриятлар асосида шакланган дунёқарашга эга бўлишларининг аҳамияти тўғрисида.

Мафкура — ўтмиш ва келажак ўртасидаги кўприкдир.

Миллий истиқлол мафкурасини шакллантириш — давомли, мураккаб ва кенг қамровли жараён. Унинг асосий тамойилларини ҳаётга татбиқ этиш — шу куннинг талаби.

И. А. Каримов миллий мафкуранинг асосий унсурлари, тамойиллари ва мақсад-муддаоси ҳақида.

Миллатни, халқни ҳамжиҳатликка, уюшқоқликка даъват этувчи умуммиллий ғоя — истиқлол мафкурасининг асл моҳияти.

Миллатнинг, халқнинг ҳамжиҳатлиги — тараққиёт гарови.

Миллий мафкура — оддий инсонларнинг манфаатини ифодалаш, халқимизнинг бехатар, тинч-омон, фаровон, бадавлат турмушга эришиши учун куч-ғайрат манбаи.

Ислоҳотлар сиёсатига содиқ, билимдон, изланувчан, фидойи, собит эътиқодли кадрлар — туб ўзгаришларнинг муваффақияти ва самарадорлигини таъминлашда ҳал қилувчи шарт.

Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг асосий мазмуни ва аҳамияти тўғрисида.

И. А. Каримов: куч — билим ва тафаккурда.

Мамлакатимизда фуқаролик жамиятини барпо этишда ёшларни умумий ва махсус билимларга эга, онгли, замонавий дунёқарашли, эркин, миллий ва умуминсоний қадриятлар вориси этиб тарбиялашнинг аҳамияти.

Халқимизнинг осойишталиги ва фаровонлигини таъминлаш — юртбошимиз сиёсати ҳамда амалий фаолиятининг олий мақсади.

Юртимизда ҳукм сураётган барқарорлик ва осойишталик, миллатлараро иноқлик ҳамда фуқароларо тинчлик — энг катта ютуғимиз, бебаҳо бойлигимиз.

Эл-юрт эсон-омонлигини асраб-авайлаш — барчамизнинг муқаддас бурчимиз.

Йўлбошчимизнинг мазкур мусоҳабаси ва бошқа асарларида олға сурилган ғояларнинг миллий маънавиятимизни шакллантиришдаги ўрни ва аҳамияти ҳақида.

«Жамиятимиз мафкураси халқни — халқ, миллатни — миллат қилишга хизмат этсин» мусоҳабасида баён этилган фикр ва хулосаларнинг партиямиз Дастури ҳамда Миллий истиқлол мафкураси ғояларини рўёбга чиқаришдаги аҳамияти хусусида.

И. А. Каримов мусоҳабасининг мазмун-моҳиятини чуқур ўрганиш ва аҳоли ўртасида тарғиб қилишда фаол иштирок этиш — партиямиз барча ташкилотлари, ҳар бир аъзосининг долзарб вазифаси.

Ўзбекистон ХДП МК матбуот хизмати

Уйчи туманидаги ёпиқ турдаги «Ғайрат» пайчилик хўжалиги деҳқонлари мавжуд 614 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 35,7 центнердан пахта хирмони кўтаришмоқчи. Айни пайтда ғўза парвариши кучайтирилмоқда.
Суратда: бригада бошлиғи Маҳбуба Валиева билан бошқарув раиси Абдураҳмон Раҳимов.

Турғунбек МАҲКАМОВ олган сурат

ФАОЛЛИКНИ ОШИРМОҚ ЛОЗИМ

«ЎзХДП Булунғур туман кенгашининг партия юқори органлари ва ўз қарорларининг бажарилишини ташкил этиш борасидаги фаолияти ва Иштихон туман кенгашининг миллий истиқлол мафкурасини аҳоли ўртасида тарғиб қилишда «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик маркази иш тажрибалари тўғрисида»ги масалалар ЎзХДП Самарқанд вилоят кенгаши ижроия бюросининг кенгайтирилган йиғилишида кўриб чиқилди. Бу ҳақда кенгаш биринчи котиблари Т. Йўлдошев, С. Рўзиевларнинг ахбороти муҳокама қилинди.

ЎзХДПдан сайланган туман кенгаши депутатлари билан ишлаш, бошланғич партия ташкилотларининг сафини мустаҳкамлаш ва уларда аъзолик бадаллари тушуми устидан назоратни ўрнатиш ҳали талаб даражасида эмаслиги қайд этиб ўтилди.

Лутфулла МАМАСОЛИЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

Лўқма

ДАММИ, АЛАММИ?

Бир қарашда, кўнгилли дам олишдан осони йўқдай кўринади. Вақт, ҳафсала, чўнтак кўтарса бўлди-да. Аслида бўш вақтдан оқилона фойдаланиш анча қийиндай. Шундай фурсат топдим, дегунча кинотеатрга шошаман.

Нега томошабин кинотеатрга келмаяпти? Яхши фильм ёки ҳақиқий мухлис йўқми? Ҳозир шу ҳақда кўп гапиряпмиз. Борган сари кўплаб томошагоҳлар ташкил бўляпти. Лекин бу маскандан томошабин қандай маънавий озуқа олиб чиқяпти, деган масала хусусида кўпда ўйлайвермаймиз.

Яқинда пойтахтимиздаги Алишер Навоий номли «Санъат саройи»да намойиш этилган «Ошно қалблар» бадиий фильмини томоша қилдим. Ҳинд фильмлари истасангиз-истамасангиз куй-қўшиқлари билан ўзига тортади.

Рости, ҳеч қачон кинодан шунчалик «зериккан»имни эслай олмайман. Савлатли кошонанинг бир вақтлар ҳожатхонаси бўлган «зал»ини кўримсиз демоқчимасман. Ҳаво димми, аудиториянинг бадбўй ҳиди димоқни тарс ёргудай. Ўзи залда нари борса экранга кўз тиккан 15-20 нафар томошабин. Экран негадир нари бориб, бери келгандай «тўлқинланиб» тебранади. Унисиям майли, яхши кинони тақир ердаям кўрса бўлар. Картина шу қадар сифатсиз ўзбекчага ўгирилганки, дубляждаги жумлалар тумтароқ, матндан «орқада» қолаверганидан залдагилар бир неча бор гур кулиб олишди. Дубляжда эркак-аёлга бир актёр овоз берганини айтмайсизми?

Тўғри, мазмунли ҳордиқ фақат «ҳашамли зал»га боғлиқ эмасдир. Ахир кўпчилигимиз болаликда деворга тортилган оқ мато — экранда кўрган фильмларни киприк қоқмай томоша қилганмиз. Тасаввуримиздан улар бугунги кенг экранли, рангли тасмаларда суратга олинган фильмлардан ҳам мустаҳкам ўрин олган-ку? Негадир ўшанда дилимиздан бугунгидай аламли ўйлар ҳам ўтмаганди-да.

Кинодан олам-олам завқ олардим. Бугун эса дам эмас, алам олдим, гўё.

«Санъат саройи»даги бу аҳволдан ҳамма кинотеатрлардаям шундай, демоқчи эмасман. Фақат биргина мулоҳаза ўйлантириб қўйяпти: энг нуфузли кино масканида шундай ҳол бўлгач...

Аслида кино кўриш бўш вақтни кўнгилли ўтказиш учунгина эмас. Янги ёки севган фильм учун алоҳида вақт ажратиш зарурдек туюлади. Чунки маънавий эҳтиёжимиз шуни талаб этадида.

Саида БОНУ

Ислоҳот ва масъулият

ЙЎЛИ ТЕКИСНИНГ ЭЛИ ТЎКИС

Навоий вилояти Конимех тумани йўллардан фойдаланиш бошқармаси бошлиғи Нусратилла Раҳматов билан суҳбат

Нусратилла Тўйчиевич, йўли текис ва равон юртнинг эли тўкис ва бадавлатдир. Буни мустақил Ўзбекистон мисолида кўриш мумкин. Йўлсоз бўлганингиз учун ҳам илк саволни қон томирлари сингари бир-бирига туташ йўллардан, уларнинг қурилишидан бошласак.

— Чиндан ҳам уй ёки ҳовлининг қандайлигини остонаси ёхуд дарвозаси кўрсатиб турганидек, истиқлолга пешвоз чиққан юртимиз озод ва ободлигини узоқни яқин, оғирни енгил қилувчи йўллар белгилайди. Чунки элатларни, аркону давлатларни йўллар боғлаб туради. Биз узоқ тарихга, қанча-қанча асрларга тенгдош «Ипак йўли»ни ҳали-ҳали эслаймиз, ҳаёт-мамот йўли дея қадрлаймиз. Бунинг ўзига хос мазмун-моҳияти бор. Чунки, қадимги «Ипак йўли» ва йўллари нафақат манзилни яқин қилиш учун балки, савдо-сотиқни ривожлантириш, иқтисодиётни шакллантириш, маданият ва маърифатни халқлараро тарғиб қилишга ҳам хизмат қилган.

Буюк аллома, тиббиёт илмининг отаси Абу Али ибн Сино айтганидек, ҳавода чанг ва ғубор бўлмаганида инсон минг йил яшаган бўларди. Худди шундай ўнқир-чўнқир, баланд-пастлик бўлмаса транспорт воситалари юз йил умр кўрарди. Хорижда, қўйингки, Америка, Германия, Италия сингари ривожланган мамлакатларда йўллар силлиқ. Шундай бўлгач, транспорт воситалари бир текис юради ва қўпга чидайди. Натижада йўл солиғи ҳам йўлсозларнинг хизматидан, транспорт эгаларининг эса талабидан келиб чиқиб белгиланган.

— Гапингизга қараганда, биз ҳалигача талаб даражасидаги, жаҳон андозасидаги йўлларни қуролмаяпмиз. Бунга сабаб нима? Ёки йўл қурилиши техникалари панд бераяптими?

— Гап фақат маблағ ёки техникада эмас, соз ва равон йўл қурилиши учун биргина асбоб-ускуналарнинг, машина-механизмнинг ўзигина кифоя эмас. Сифатли, давлат стандартига мос йўл учун аввало шароит ва мос жой, яъни ер бўлиши керак. Бундан ташқари йўл учун ташланадиган тупроқ ҳам, тош ҳам, битум ва мазут, яъни қоришмали қора мой ҳам, иссиқ ва совуқ асфальт ҳам ривожланадигидек қатъий меъёрда бўлмоғи лозим. Қоришма ва аралашмалар таркиби бузилдими, қурилган йўл кўпга бормайди. Шунингдек, техникалар ҳам: хоҳ ташувчи, хоҳ асфальт босувчи, хоҳ бетонни шиббаловчи воситалар бўлсин ҳаммаси хорижникиларкаби мукаммал, ҳар қандай ҳолатда ишлай олувчи бўлгани маъқул. Ана ўшанда қурилган йўл чинакам йўл бўлади.

Бошқармамиз ҳудудига жами 748 километрли масофадаги йўллар киради. Шунинг 592 километри республика миқёсидаги, 83 километри эса халқаро аҳамиятдаги давлатлараро йўлдир. Қолган 63 километр ораликдаги йўллар бу ички қишлоқ йўллари ҳисобланади. Бунинг устига ана шу йўлларнинг айтарли ҳаммаси асрий Қизилқум ораси йўлларидир. Чунки туманимиз чўл. Қўйчиликка ихтисослашган. Шу боис йўлларимиз асосини саҳро йўллари ташкил этади. Бунга Навоий — Конимех, Конимех — Зарафшон, Конимех — Учтепа, Конимех — Қорақота йўлларини мисол қилиб кўрсатиш мумкин. Чўл шароитида қум кўчишлар, жазирама иссиқ туфайли йўллар тез-тез бузилади. Айниқса, Қизилқум ҳалқаси бўйлаб ўтган 57 километр масофадаги оралиқ йўл ҳар икки-уч йилда қайта таъмирга кириб туради. Шунингдек, Боймурод, Шўркўл, Оёққудуқ, Янгиғазғон, Сарбил бўйлаб ўтган йўллар ҳам бузилиши жиҳатидан доимий эътиборимизда.

Бошқармамиз тасарруфида 5 та йўл бўлими бўлиб, уларда жами 165 киши меҳнат қиляпти. Биз, айниқса, 206, 208, 209-йўл бўлимлари ишидан мамнунмиз. М. Маметқулов, Э. Йўлдошев, Н. Кинпелов бошлиқ бўлган бу бўлимларда ойлик-йиллик режалар ҳамиша бекаму-кўст бажарилади. Шунингдек, Ю. Тўхтаев, Т. Аҳадов, Қ. Қорамоев, Н. Алдамжаров, Ҳ. Кенжаев каби грейдерчи, эксковаторчи, тракторчилар ишидан ҳам миннатдормиз. Бу йўлсозларимиз ҳар қандай шароитда ҳам ўз масъулиятларини чуқур ҳис этишиб, намунали ишлашади. Уларнинг ташаббуси, ташкилотчилиги туфайли туманга кирувчи 6,5 километрли айланма ҳалқа йўл сифатли таъмирланяпти. Бу йўл кенгайиб, созланса ҳар қандай транспорт воситаси аҳоли пунктига кирмай, марказга бехатар бемалол ўтиб кетади. Шунингдек, иссиқ сув ҳавзаси, Саржалолди йўлларини ҳам созлаб, кенгайтираяпмиз. Айниқса, туман марказидаги истироҳат боғига, кинотеатр ва мактабларга борувчи йўл ва йўлакдаги ишларимиз диққатга молик. Қисқа вақт ичида биз 7,5 километр ҳажмда кичик қатнов йўлакчалари қурдик. Буни жами 20 километрга етказамиз. Натижада пиёдалар қатнови бехатар бўлади. Булардан ташқари, янги бозор, автобекат, савдо маркази, хиёбонлари, ҳовлилари, майдонларини ҳам сифатли асфальтлаб бердик. Бу сингари қуриш ва яратувчилик ишлари ҳозир ҳам қизғин давом этяпти.

1994 йилда Ҳатирчи туманида ишга яроқсиз бўлиб қолган асфальт-бетон заводини сотиб олиб, Конимехга келтириб ўрнатдик. Эскирган асбоб-ускуналарни янгиладик. Мана, икки йилдирки, у бинойидек ишлаяпти ва кунига 250 тонна асфальт ишлаб чиқаряпти. Шунингдек, туманимизда 5 миллион сўм маблағ сарфланиб, битум эмульсияси тайёрлайдиган завод қурилиши бошлаб юборилди. Бу завод яқин орада ишга тушади. Натижада нафақат Конимех, балки Навоий, Навбаҳор, Қизилтепа туманлари йўл бошқармалари ҳам етарли эмульсияга эга бўлади.

— Энди ҳал этилиши керак бўлган муаммолар ҳақида ҳам гапирсангиз?

— Биз йўлсозларни асосан ёнилғи-мойлаш маҳсулотларининг қимматлиги, замонавий техника воситаларининг етишмаслиги қийнаб келяпти. Қани энди пулимизга бўлса-да, Германия, Япония, Хитойда ишлаб чиқарилган грейдер, бульдозер, асфальт босиш сингари техника воситалари бошқармамизда кўпайса, шунингдек, туманимизнинг ўзида битум қабул қилиш омборхонаҳавза қурилса, ёмон бўлмасди.

«Ўзбекистон овози» мухбири Музаффар ШАРОПОВ суҳбатлашди.

ХАСТАЛИКНИНГ КЕЛИШИ ОСОН, КЕТИШИ ҚИЙИН

Инсон саломатлиги ёмонлашганидагина "саломатлик — туман бойлик" деган мақолнинг нақадар тўғрилигини тўла ҳис этади. Халқда касалликнинг келиши осон, кетиши қийин, деган гап бор. Кишини касаллик енгиб қўймаслиги учун нима қилиш керак ? Саратон /рак/ касаллиги асримиз вабосига айланган. Бу касаллик сўнгги ўн йилликларда анча "яшарди", яъни, илгари у кексаларгина учраган бўлса, эндиликда ёшлар ҳам бу дардга йўлиқяпти. Катта ёшдаги кишиларгина эмас, ҳатто болалар ҳам онкологлар ёрдамига муҳтож бўлмоқда. Жаҳон статистикаси маълумотларига қараганда, ҳозирги вақтда саратон касаллиги юрак-қон томири касалликларидан сўнг иккинчи ўринда туради. Бу касалликка қарши курашдан фойда йўқ, деган фикр ҳам мавжуд. Айни шу фикр кўпинча фожиали оқибатларга олиб келади. Инсон соғайишидан умид узиб, шифокорлар ёрдамига ҳам ишонмай қўяди. Ҳолбуки, мутахассисларнинг фикрича, бу хасталикни даволаш мумкин. Тошкент шаҳар онкология диспансери бош врачи вазифасини бажарувчи, тиббиёт фанлари номзоди Назира Ёдгорова бу хусусда қуйидагиларни гапириб берди:

— Саратон касаллигини қандай енгиш мумкинлигини тушунтириш учун аввало унинг асосий хусусиятини аниқлаш зарур. Бу хусусият — қўшни соғлом ҳужайраларни қоплаб, уларни вайрон қилишдан иборат. Бундай ҳолатда кўпинча қон

Саломатлик — туман бойлик

томирлари ёки лимфатик томирлар бузилади, чексиз равишда бўлиниб, кўпайиш қобилиятига эга бўлган рак ҳужайралари қон ва лимфалар орқали бутун жисмга тарқалади ҳамда турли аъзо ва тўқималарга ўрнашиб олади. Одатда бу касаллик турли патологик жараёнлардан сўнг бошланади. Бу ўринда жисмнинг умумий ҳолати катта аҳамиятга эга, албатта. Чунки, инсон жисмининг ҳолати кўп жиҳатдан турмуш шароитига боғлиқ.

Саратон касаллиги пайдо бўлишига олиб келадиган омилларидан бири — экологик вазиятнинг ёмонлашувидир. Биз нафас оладиган ҳавода, ичадиган сувда, ҳосил ундириладиган ерда канцероген моддалар деб аталган заррачалар бўлади. Уларнинг миқдори кўпайиб кетса, инсон жисмида ҳам бу моддалар аста-секин урчий бошлайди. Лекин уларнинг таъсири бирданига эмас, баъзан 15-20 йилдан сўнг билинади. Экологик омил билан саломатлик ўртасидаги бевосита алоқани тасдиқловчи яна бир жиҳат шундан иборатки, шаҳарларнинг, айниқса йирик саноат шаҳарларининг аҳолиси орасида саратон касаллиги бир неча бор кўпроқ учрайди. Бундан шундай хулоса чиқариш мумкин: атроф-муҳитнинг тозалиги учун кураш онкологик касалликларнинг олдини олишнинг муҳим омилидир. Кашандалик ва спиртли ичимликлар ичиш бундай касалликка учраш хавфини кўп марта ошириши тўғрисида гапирмаса ҳам бўлади.

Саратон касаллигини енгиш ўз вақтида ташҳис қўйишга бевосита боғлиқ. Бемор шифокорга қанча барвақт мурожаат қилса, даволаш натижалари шу қадар самаралироқ бўлади.

А. ИВАНОВА, ЎзА мухбири

ЧИҒИРИҚ

Рўзғор тебратиш учун чакана тижорат бакор келиши мумкин. Отчопардаги, Қўқон ёки Деновдаги ёхуд Ҳазораспдаги кечасию кундузи гавжум бўладиган чайқов бозорларида минг-минглаб одамлар тирикчилик ўтказаётгани ҳеч кимга сир эмас. Майли, агар қонун доирасида савдо-сотиқ билан шуғулланиб, рўзғор тебратадиган бўлсалар, ҳалоли бўлсин. Одамлар бой бўлса, юрт обод бўлади. Бироқ, Ўзбекистоннинг ижтимоий қиёфасини чакана тижорат белгиламайди. Вазифалар кўнгилдагидай амалга оширилган тақдирдагина Ўзбекистон истеъмолчидан таъминотчи мамлакатга айланади. Яъни, Ўзбекистон нафақат ўзининг ички бозорини, балки соф валюта келтирадиган ташқи бозорини ҳам юқори сифатли саноат маҳсулотлари билан таъминлаши мумкин. Агар жаҳон андозаларига мос келадиган технология ва тажрибалар халқ хўжалигига тўла-тўкис сингдирилса, кучли рақобатларга бардош берадиган маҳсулотларга эга бўламиз. Бунга эришиш эса фақат бугунги мўмай фойдани ўйлаш билан бўлмайди. Балки келажакда жаҳон иқтисодиёти жабҳасининг илғор сафида бўлиш учун, ўзимизда пухта замин яратилиши керак. Хўш, ана шу мақсадга йўналтирилган шахсий саъй-ҳаракатлар қандай тўсиқларга дуч келаётир?.. Биз қуйида ушбу саволларга аниқлик киритиши мумкин бўлган битта воқеа ҳақида сўз юритмоқчимиз.

Ҳусан Нурматов 1962 йили Тошкент вилоятининг Бўстонлиқ туманида туғилган. Ўзбекистон фуқароси. Ўзбек. Олий маълумотли. Тўртта фарзанди бор. 1993 йили у Москва шаҳрида «Хумо» номли АОЗТ ФКТК корхонаси тузиб, рўйхатдан ўтказади. Бир йилдан сўнг, аниқроғи, 1994 йилнинг 8 август куни «Русто-Рости» ФПК корхонаси билан ҳамкорлик қилиш тўғрисида, жумладан, биринчи ва иккинчи навли 320 тонна пахта толаси эвазига 400 дона трактор двигатели олиш, айирбошлаш борасида шартнома тузади. Дарвоқе, Ҳусан Нурматов 1992 йилда ташкил этилган «Ғазалкент» корхонасининг муассисларидан бири эди. Шу боис 1994 йилнинг 11 октябрь куни «Хумо» билан «Ғазалкент» ўртасида ҳамкорлик шартномаси имзоланади. 1994 йилнинг октябрь-декабрь ойларида «Хумо» билан Тошкент трактор заводи ва Ўрта Чирчиқ туманидаги «Гулистон» жамоа хўжалиги ўртасида бартер шартномаси тузилади. Унга кўра, «Хумо» 1995 йилнинг биринчи чораги охиригача 250 тонна пахта толаси олиши, шерикларга эса, эҳтиёт қисмлар ва трактор двигателлари етказиб бериши лозим эди. Ўша шартномада кўрсатилган мажбуриятларни Ҳ. Нурматов 1995 йилнинг январь ойига қадар бажаради. Яъни, «Гулистон» жамоа хўжалигига «ТТЗ-80» маркали 29 дона трактор ва «Д-144» маркали 98 дона трактор двигатели етказиб беради. Қишлоқ хўжалик техникалари ўша заҳотиёқ Ўрта Чирчиқ туманидаги саккиз хўжаликда ишлатила бошлайди. Бунинг эвазига эса у 244 тонна биринчи навли пахта толаси олиши лозим эди. (Бир тонна пахта толаси 2012 АҚШ доллари нархида баҳоланади). Бироқ, 1995 йилнинг декабрь ойигача Ҳ.Нурматов пахта толаси ололмайди.

Юқори ташкилотлар билан ёзишмалар бошланади. Хуллас, Тошкент вилояти ҳокимлигидан жўнатилган расмий хатга кўра, Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги 1995 йил 12 октябрь куни 293 тонна пахта толасини «Хизмат» агрофирмаси «Ҳумо» фирмасига, «Хумо» эса Словакияга сотиш ҳуқуқига эга бўлгани тўғрисида лицензия беради. Бу лицензиянинг муддати 1995 йилнинг 31 декабрь кунигача эди. Яъни, саксон кунлик муддат ичида «Хизмат» агрофирмаси «Хумо»га, «Хумо» эса Словакиядаги харидорга хомашёни сотиб улгуриши керак эди. Бироқ, расмий доиралардан рухсат олиш жараёни чўзилиб кетганлиги учун Словакиядан топилган харидорнинг ҳафсаласи пир бўлади ва тола сотиб олишдан воз кечади. «Хумо» янги харидорни Руминиядан топади. Унга рухсатнома ҳам олинади. Лекин лицензиянинг муҳлати ўзгармайди.

Словакиялик харидорлар нима учун дастлабки келишувга амал қилмади, деган савол туғилиши табиий. Чунки, шартномада кўрсатилган биринчи квартал ичида жаҳон бозорида (биржада) толанинг баҳоси пасайиб, 2012 доллардан 1800 долларга тушиб қолади. Равшанки, бир тонна толадан 200 АҚШ долларини иқтисод қилиб, жами салкам олтмиш минг долларни биргина олди-сотдидан тежаб қолаётган Словакия тадбиркорлари «Хумо»дан юз ўгирадилар. Боз устига, улар ишончни йўқотадилар.

Ҳусан Нурматов эса «Хумо» фирмаси учун Россиядан топган кредитни ўз вақтида қайтариш имкониятидан маҳрум бўлади. Ваҳоланки, ўша кредит эвазига сотиб олинган қишлоқ хўжалик техникаларидан Ўрта Чирчиқ туманидаги хўжаликлар фойдаланаётган эди. Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги томонидан берилган лицензия муддати йил охирида ўз кучини йўқотади. Янги лицензия олиш учун эса янгитдан чиғириқдан ўтишга тўғри келарди.

Шундай қилиб, Ҳусан Нурматов боши берк кўчага кириб қолади ва кундан-кун «болалаб» бораётган молиявий зарарни

1
2

Таклиф, мулоҳаза

Турли маҳсулотларга тарихий шахслар номини бериш бизга аслида Ғарбдан келган. Уларда ичимликдан тортиб, ичкийимгача тарихдан ўтган улуғларнинг номини қўйиб юбораверишодати бор. Бу ҳол, назаримизда бизнинг шарқона анъаналаримизга хилоф, ўтган буюклар хотирасига ҳурматсизликдек туюлади. Албатта, бу шахсий фикр. Оддий маъданли сув шишасида соҳибқирон Темур аксини кўриб индамадик.

ЎЙНАБ АЙТСАНГ ҲАМ...

Яқинда бир аёл табиатидаги дарпардада ҳам Амир Темур сурати ва номи битилганлигини кўрдим. Бу энди «Амир Темур дарпардаси» дейилса керак, худди «Морена Клара» рўмоли дейилгандек. Бироқ оддий, соқол олишда ишлатиладиган кремнинг қоғоз қутисида буюк бобокалонимиз ҳайкали тасвири ва бу кремкўпикнинг «Темур» дея номланганлигини кўриб ёқа ушладим. Ҳа, «Албо» ўзбек-болгар қўшма корхонаси «Темур» деб номланган соқол қиришда фойдаланадиган крем ишлаб чиқарар экан...

Бу қандоқ бўлди? 30-йилларда қутисига Охунбобоев ва Файзулла Хўжаев номлари ва суратлари чоп этилган агопапиросларни бўлар ва папиросфуруш болалар «Охунбобоев тўрт тийин! Файзулла Хўжаев 5 тийин!» дея бақириб харидор чорлашар экан.

Халқимизда «Ўйнаб айтсанг ҳам, ўйлаб айт», деган нақл бор. Бир нарсага ном беришдан аввал жиддийроқ мулоҳаза юритайлик. Ўтган аждодларимиз номлари билан бўлар-бўлмас нарсаларни атайверсак, кулгили аҳволга тушиб қолмасмиканмиз. Янги ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг номланиши хусусида тартиб ўрнатиш лозим. Бу борада маҳсулотларни рўйхатдан ўтказадиган мутасадди ташкилотлар, хусусан Ўзбекистон Давлат стандарти идораларининг масъулияти катта.

Улар тақдим этилаётган маҳсулот сифати хусусидагина эмас, балки унинг номи устида ҳам миллий қадриятларимиз, анъана ва одатларимиздан келиб чиқиб, хулоса чиқаришса ёмон бўлмасди.

Алишер ИБОДИНОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

ДУНЁ ДАРДАСИ

ЯНГИ ЭЛЕКТРОН АВТОБУС

Америкадаги "Крайслер" автомобиль концерни электрон микроавтобуснинг янги авлодини ишлаб чиқаражагини маълум қилди. Режага кўра, бўлажак микроавтобуслар "Эпик" номи билан шу йилнинг кузида сотувга чиқарилади.

"Крайслер" дунёдаги электрон микроавтобус ишлаб чиқарувчи ягона корхона ҳисобланади. Бу турдаги машинанинг биринчи авлоди 1993-1995 йилларда ишлаб чиқарилган эди.

Мутахассисларнинг таъкидлашича, янги микроавтобус илгариги моделдан анча фарқ қилади. Мисол учун янги "Эпик"да никелли батарея қўлланади. Бундан ташқари, янги "Эпик"нинг бир марта оладиган электр қуввати 150 километр масофани босиб ўтишига етади. Унинг тезлиги эса соатига 130 километрни ташкил қилади.

ҲАРБИЙ БЮДЖЕТНИ КЎПАЙТИРМОҚЧИ

Исроил ҳукумати миллий мудофаа сарф-харажатларини бирмунча кўпайтириш ниятида. Бунинг асосий сабаби Ҳиндистон ва Покистонда ядро синовлари ўтказилгани ҳамда Фаластин ҳудудидаги Исроил ҳарбийларининг яқин кунлар ичида олиб чиқиб кетилиши билан боғлиқдир. Исроил бош вазири Бинямин Нетаняху шу ҳақда баёнот берди.

Мамлакат мудофаа вакиллари ва парламент депутатлари гуруҳининг кенгашида ўн йил мобайнида ҳарбий бюджетни кўпайтириш билан боғлиқ масала муҳокама этилди.

ТАНК СИНОВДАН ЎТКАЗИЛАДИ

Жорий йил июнь ойи охирида Украина — Хитой — Покистон лойиҳаси асосида Покистонда тайёрланган янги "МБТ-2ООО" русумли танкни синовдан ўтказиш мўлжалланмоқда.

Айни пайтда ҳарбий машинани йиғиш ишлари якунланган. Дастлабки хабарларга қараганда, мазкур танк синовдан яхши ўтса, Покистон бу турдаги танклардан 1ОО тасини сотиб олиш ниятида.

1996 йили икки мамлакат ўртасида имзоланган шартномага кўра, Украина Покистонга "Т-8ОУД" русумли ва умумий қиймати 55О миллион АҚШ доллари миқдоридаги 32О та танк етказиб бериши керак, деб хабар беради РАТА-ТАСС ахборот маҳкамаси.

ДУНЁ ДАРДАСИ

УЙГА ҲАМ РУХСАТНОМА БИЛАН

Факт ва шарҳ

Беларусь пойтахтига туташ «Дрозди» комплексидаги дала ҳовлилардан хорижлик дипломатлар ва уларнинг оилаларини чиқариш, мазкур жойни мамлакат Президенти қароргоҳи, деб эълон қилиниши бутун дунёда катта шов-шувга сабаб бўлди. Жаҳондаги етакчи матбуот нашрлари, ахборот агентликлари ва телерадио компаниялари Минскда содир бўлган ушбу воқеани кенг шарҳламоқдалар.

Беларусь ҳукумати ва элчилар ўртасидаги келишмовчилик апрель ойининг охирида бошланган эди. Ҳукумат «Дрозди» комплексини капитал таъмирлаш ҳақида қарор қабул қилгандан ва ушбу ҳудуд алоҳида режимга ўтказилгандан сўнг, хорижлик элчилар Президент А. Лукашенконинг бу қароридан қаттиқ норози эканликларини билдира бошлашди. Ҳукумат вакилларининг фикрича, 1946-1949 йиллар оралиғида бунёд этилган мазкур комплекс таъмирталаб ҳолга келиб қолган. Шу боис, уни замонавий усулда таъмирлаш лозим. Иккинчидан, эндиликда бу ҳудуд Президент қароргоҳига қўшиб олинганлиги муносабати билан, ушбу ерга фақат махсус рухсатнома билан кирилади. Беларусь ташқи ишлар вазири ўринбосари Николай Бузо «Элчиларни эндиликда Президент уйида меҳмон, деб ҳисоблашимиз мумкин», деди.

Беларусь ҳукуматининг бундай қатти-ҳаракатларини Европа Иттифоқига аъзо мамлакатлар ва АҚШ расмий вакиллари дипломатларни бошқа мамлакатлар ҳудудида бўлиши ҳақидаги Вена конвенциясини бузиш, деб баҳоладилар.

АҚШ, Франция, Германия, Италия, Россия, Япония, Ҳиндистон, Туркия ва бошқа бир қатор мамлакатлар элчилари «Дрозди» ҳудудида жойлашган уйларини бўшатиш ҳақида кўрсатма олганлар. АҚШнинг Беларусдаги элчиси Даниэл Спекхарт ўз қароргоҳи 800 минг долларга таъмирланганлигини билдириб, ҳозирча ҳеч қандай қўшимча таъмирнинг ҳожати йўқлигини айтди. Элчи Вена конвенцияси қоидаларини яна бир эсга олиб, бу АҚШ ва Беларусь ўртасидаги мавжуд шартномаларга ҳам зид эканлигини билдирди. Жумладан у «бундай қўпол ҳатти-ҳаракат «совуқ уруш» давридан сўнг биринчи марта содир бўлиши», деб айтди.

Президент А. Лукашенко дипломатларга «саховат» кўрсатиб, дала ҳовлилар ҳудудига киришга рухсат берди, аммо эндиликда элчилар ўз уйларига етиб олиш учун 2 километр масофани пиёда босиб ўтишлари керак, деб ёзади АҚШ газеталари.

Беларусь Президент эса «Дрозди» билан боғлиқ воқеаларни шарҳлаб, журналистларни бир томонлама ёндашишда ва Беларусь-Россия муносабатларига совуқчилик туширишда айбламоқда, деб хабар тарқатди Россиянинг «Новости» ахборот агентлиги. Бундан ташқари, Президент, таъмир пайти ўз дала ҳовлиларида қолишни истаганлар бемалол яшайверишлари мумкин, деб элчиларни хотиржам қилган. Бироқ Рейтер агентлигининг хабарига қараганда Президентнинг бундай инсонпарварлигидан фойдаланишни истаб ўз уйларига қайтган дипломатлар, дала ҳовлиларига сув, газ, телефон ва электр энергияси узатилиши тўхтатилганлигининг гувоҳи бўлишди. Шу боис Ғарб ахборот маҳкамалари Минскдаги бу воқеаларни «канализация уруши» деб аташди.

АҚШ Давлат департаменти расмий вакили баёнот бериб, Беларусдан Америка элчиси чақириб олинишини ва ушбу мамлакатнинг халқаро меъёрларга зид хатти-ҳаракатлари норозилик туғдирганлигини маълум қилди. Бу Беларусга нафақат сиёсий, балки иқтисодий жиҳатдан ҳам катта зарар етказади. Шунингдек Европанинг бир қатор давлатлари ҳам ўз элчиларини Беларусдан чақириб олиш учун ўзаро маслаҳатлашмоқдалар.

«Дрозди» воқеалари қандай натижа билан туганидан қатъи назар, бу Беларусь ҳукуматига ҳеч қандай обрў олиб келмайди, деган фикрларни билдирган кузатувчилар ҳақ. Чунки халқаро келишувлар асосида ўз уйларида яшаб турган одамларни бир кунда — «Президент меҳмонлари» деб эълон қилиниши, боз устига улардан яшаб турган уйларига махсус рухсатнома билан киришни талаб қилиниши ва буларнинг барчаси ҳуқуқий давлат ҳақида тинимсиз гапираётган Беларусда содир бўлиши, сира тасаввурга сиғмайди. Россия билан ўз муносабатларини иттифоқ давлатлар даражасига кўтариш, ҳатто баъзан расмий ваколат олмасдан туриб Россия манфаатларини ҳимоя қилишга ва шу баҳонада рус халқи кўзи олдида қаҳрамон бўлиб кўриниш иштиёқида ёнаётган ва айни ана шу хислатлари учун империяпараст кучлар ўртасида «доҳий» деб ном олган кишининг Россия элчиси уйини «ўз қароргоҳи» деб эълон қилиши ҳатто агар рамзий маънода тушунилганда ҳам унутилаётган кўп эски нарсаларни қўмсашдек таассурот уйғотади.

Жалолиддин САФОЕВ



ТАШВИШ ЯНА ИККИ КАРРА ОШДИ.

Тошкентда «Бритиш Американ Тобакко — Ўзбекистон» компаниясининг янги маҳсулоти — «XON LIGHTS» сигаретасининг тақдимоти бўлиб ўтди. Бу мамлакатимиз бозорида энг йирик ва оммабоп бўлган «XON» сигаретаси туркумига мансуб янги маҳсулотдир. У ички бозоримиз эҳтиёжи ва истеъмолчилар талабларини пухта ўрганиш натижасида вужудга келди. Тадқиқотлар натижалари кўрсатишича, аксарият чекувчилар мақбул нархлардаги «Лайтс» сигареталарнинг пайдо бўлишини маъқулламоқ-

ШУБҲАСИЗ БИЗНИКИДИР!

далар.

«XON Лайтс» дизайнини ишлаб чиқишда компания жаҳондаги етакчи мамлакатлар тамакичилик саноатининг жуда бой тажрибасидан фойдаланган. Тамакининг энг яхши навлари танлаб олинди. Энг замонавий асбоб-ускуналар қўлланилди. Буларнинг ҳаммаси Ўзбекистоннинг янги сигареталарини яратиш мақсадида амалга оширилди. Шуни айтиш керакки, чекувчилар янги сигаретанинг майин ва ўзига хос хуштаъмлигини эътироф этмоқдалар. Дарҳақиқат, XON туркумидаги сигареталар мамлакатимизда ўз истеъмолчиларини топмоқда. Шу боис уни шубҳасиз бизникидир дейишимиз бежиз эмас. «XON Лайтс» сигареталари қаттиқ қутичада жойлаштирилган. У рельефли қоплама ва олтин ҳалқага, целлофан лентадаги маълумотта, шунингдек, қутича ичига жойлаштирилган махсус қоғозчадаги табрикномага эга.

«XON» — шубҳасиз бизники — «Лайтс» ҳам бизникидир.

Алишер РЎЗИЕВ

ХОТИНИМ НИМА ДЕРКИН?..

Темир йўл бош бекати чиптахонаси олдида тумонат одам. Мен ҳам навбатга турдим. Шу пайт ёнимга эгнида қора костюм-шим, чипор бўйинбоғ, бошида гардиши оқариб кетган шляпали киши келди. У сал ялтоқланиб:

— Чипта керак эмасми? — деди пичирлаб. Чўнтагидан чиптани чиқараркан, — атиги минг сўм. Янгангизга олувдим, ўзи бетоб бўлиб қолди.

Наилож, бироз қиммат бўлса ҳам чиптани олдим.

— Биродар ҳамроҳ бўлдик, мана бу сумкани поезд келганда бирга олиб чиқасиз, — деб тайинлади-ю, зипиллаб қаёққадир шошиб кетди.

Купега чиқдик. Ҳаво жуда дим.

— Исми-шарифимизни Ходи Ҳожиев деб чақираверинг, — бояги ҳамроҳим энди ўзини таништирди.

Мен ҳам исмимни айтдим.

— Шу денг, эрни эр қиладиган ҳам, қора ер қиладиган ҳам хотин, деган экан машойихлар.

Ҳожиев уйланганмисиз деган маънода менга тикилди. «Йўқ» дея бош чайқадим.

—. Ҳа баракалла, кам бўлманг! Маслаҳатимга қулоқ беринг, ука, — у жиққа терга ботган бўлса ҳам бошидаги шляпасини олмас, костюмини ечмасди. Дастрўмолчаси билан чўзиқ юзи ва йўғон бўйнини артиб, сўзида давом этди Ҳожиев. — Хотин танлашда ҳеч адашманг, мен сизга айтсам.

Ҳайрон бўлдим. Ҳожиев хандон отиб кулди.

— Мана мен «кичкина деманг бизни» хилидан танлаганмиз. Ана шунақа, сира тиниб-тинчимайди. Катта амалга эришишимизда ҳам унинг роли катта бўлди. Оддий ғишт терувчи эдик. Мана, хозир катта идоранинг бошлиғимиз, мен сизга айтсам. Ўзиям ҳамиша йўлимни шамчироқдай ёритиб туради. Туманимизда уни танимайдиган киши йўқ ҳисоб. Танишларининг, кўплигини айтмайсизми? Ҳа, бори яхши-да, бори!

Поезд силжиди, қуёш ботиб, оқшом чўка бошлади. Ҳожиевнинг чакаги ҳамон тинмасди.

— Буёғини эшитинг, — ҳамроҳим ҳикоясини давом эттиради. — Янгангиз мудом менга фойдали кўрсатмалар беради: «Ҳой эр, энди сиз бошлиқсиз, юзимни ерга қаратманг. Бу амал сизга осонликча келгани йўқ. Ҳозир чиқишингизда ҳайдовчи эшикни очмаса, ўриндиққа ўтирманг. Кўчада ҳам, ишхонада ҳам ҳамма билан саломлашаверманг, анекдот айтишни бас қилинг. Шляпа, галстук, костюмни уйга келиб ечасиз. Телефон жирингласа, қўш-қўллаб олманг. Котибангиз олсин. Кечикиб қолсангиз баҳона изланг-ки, ҳамма ишонсин. Қабулхонага киришингиз билан котибага, бошқармада эдим, машина бузилди, бузоқ ипини узибди... мана шунақанги баҳоналарни қалаштириб ташланг, хўпми, дейди. Чаккимас-а?!

— Яшавор, хотин! Ҳаммасини дўндирамиз, дедим. Хотиннинг чизган чизигидан юрсанг, асло кам бўлмас экансан. Қабулимга келган киши бир нима ташламаса иши битмайди. Бу ҳам хотиннинг ихтироси. Ҳа, ўзимиздан чиққан бошлиқ деб ҳурмат қилишса керак-да, а?

Ҳамроҳим иссиқда ечинмай ўтирганининг боисини энди тушундим, эй, амал қурсин-а!

Мавзуни ўзгартириш учун, дам олишга боряпсизми, дедим.

Ҳожиевнинг кўзлари катта-катта бўлди.

— Ие ука, дам олишга бало борми? Тасдиқдан ўтишга боряпмиз. Бошқармани кўзлаяпмиз! Каттага ул-бул нарса ва мана бу қоғозларни элтаяпмиз. Вақти келса, унвон олишим ҳам керак, ука. Ҳозирги замонда сиздан угина, биздан бугинаси қўл келади, ҳа!

Ҳожиев чарм папкасини титкилади.

— Мана бу ариза, тавсифнома, бу...

У бир даста қоғозни менга узатди. Улардан бирини ўқий бошладим. «Азизим, Холисхон! Кўп соғинтириб қўйманг. Биз ваъданинг устидан чиқдик. Сиз эса...» Давомини ўқишга ботинолмай, қоғозни Ҳожиевга узатдим.

— Сиз ҳам кўзойнаксиз ўқиёлмайсиз, чоғи?

— Ҳа, — дедим секингина.

Ҳожиев хатни овоз чиқармай ҳижжалаб ўқиркан, ранги оқарди, бирдан бўйинбоғини боғичини бўшатди, ҳафсаласиз костюмининг тугмасини ечди. Қалтираган қўлини мушт қилиб, қора ер қилдинг-ку, хотин, деёлди холос...

Даврон БАҲРОНОВ

Тараққиёт тушовлари

тўхтатиб қолиш ниятида «Феррум Трейдинг» қўшма корхонасининг директори Саттор Муҳиддинов таклиф этган шартнома асосида бир тонна пахта толасини 1500 АҚШ доллари баҳосида сотишга рози бўлади. Аслида, у ҳар тонна толани «Гулистон» жамоа хўжалигидан 2012 доллар баҳосида олганди.

Икки корхона раҳбари ўртасида оғзаки шартнома тузилади. Чунки, уни расмийлаштириш учун деярли вақт қолмаганди. Ўн бир кундан сўнг лицензия муддати тамом бўларди. Устига устак, С.Муҳиддинов Чехияга олдин ҳам пахта толаси сотганлиги тўғрисидаги ҳужжатларини кўрсатади. Ҳ.Нурматов янги ҳамкорига тўла-тўкис ишонгани учун «Хумо»га тегишли бир нечта ҳеч нарса ёзилмаган бланкаларни беради. Уларга фирма муҳри босилган ва имзо чекилган эди. Бўш бланкаларни С.Муҳиддинов муомалага киритиб юборади. Ҳатто Прага шаҳрида адвокат Линкега «тилхат» ҳам беради. Ҳ.Нурматов номидан фирма бланкасида 1996 йил 22 апрель куни мактуб ҳам йўллайди. Ваҳоланки, 1996 йилнинг март-апрель ойларида Ҳ.Нурматов ҳали Чехияга умуман бормаганди.

Ҳусан Нурматов ўз ихтиёри билан муҳр босилган, имзо чекилган фирма бланкаларини берган бўлса, С. Муҳиддинов улардан фойдаланган бўлиши табиий эмасми? Албатта, табиий.

С.Муҳиддинов директор бўлган «Феррум Трейдинг» қўшма корхонасининг муассисларидан бири Чехиядаги «Рижвей Трейдинг Корпорейшн» фирмаси ҳисобланади. «Хумо» фирмасининг бланкасида С.Муҳиддинов ўзига қарашли факс орқали иккита муҳим ҳужжатни фирма бошлиғи Грубошга жўнатади. Биринчиси, пахта толаси ВЕТ фирмасининг хусусий мулки экани тўғрисидаги тилхат. Иккинчиси, тўлов тўғрисидаги 7-сонли инвойс. Мана шу инвойсда кўрсатилишича, 253 тонна пахта толасининг баҳоси (тоннаси 1870 доллардан) 473110 АҚШ долларини ташкил этади. Шундан 93610 доллар олдиндан тўланиши шарт этиб қўйилади. Бу миқдор Ҳ.Нурматовдан сотиб олинган (1500 доллардан) тола билан сотилаётган (1870 долларга) хомашё ўртасидаги фарқни кўрсатади. Яъни, С.Муҳиддинов 93610 АҚШ доллари миқдорида соф фойда кўради.

Бундан ташқари, С.Муҳиддинов атиги тўққиз кун мобайнида 253 тонна пахта толасини Ўзбекистондан чиқариб кетиш учун ўн тўққизтадан зиёд ҳужжатларни тўғрилашга улгуради. Ваҳоланки, Ҳ.Нурматов олти ой мобайнида ўн учта ҳужжатни тўғрилашга ҳам улгурмаганди. С.Муҳиддинов кўплаб қонунларни четлаб ўтади. Энг ажабланарлиси шундаки, давлат хазинасига тушадиган мажбурий тўловларга чап бериладию, аммо 253 тонна хомашёни юклаб, керакли жойга ташиб берган ҳаммол ва

ҳайдовчиларга С.Муҳиддинов ўз чўнтагидан нақдгина ҳақ тўлайди. Давлат манфаати зарар кўраётгани ҳеч кимни ташвишга солмайди. С.Муҳиддинов эса шахсий манфаатдорликдан бошқа нарсани ўйламайди.

Хомашё омон-эсон хорижга чиқариб кетилгач, ўтган йилнинг февралида С.Муҳиддиновнинг ўзи (Артур, Аҳадий исмли шахслар билан) Чехияга жўнаб кетади. Май ойининг охиригача у ерда бўлади. Адвокат Линкега хизматлари учун ўз ҳисобидан беш минг доллар тўлайди. Сўнг 21 май куни у Ҳ.Нурматовни ҳам Чехияга чақиради ва йўл харажатларини ҳам, яшаш ҳақини ҳам ўз ҳисобидан тўлайди. Аммо у Ҳ. Нурматовга шунчаки ёрдам бермайди, албатта. 93 минг доллардан кўпроқ соф фойда кўряпти, ахир.

1996 йил октябрь ойигача С.Муҳиддинов Х.Нурматовга толанинг ҳақини ана бераман, мана бераман деса-да ваъда фақат ваъдалигича қолаверади

Чехияга борган пайтида Х.Нурматов Грубошдан толанинг ҳақини сўрайди. «Муҳиддинов ўзимдан тўрт юз олтмиш беш минг доллар қарз эди. У эски қарзидан энди қутулди. Қолаверса, 1996 йилнинг март ойида Сатторга ҳақини тўлаб қўйганман. Агар ораларингда олдиберди бўлган бўлса, марҳамат, бу масалани ўзларинг ҳал этинглар», дейди Грубош. Шундай бўлса-да, Ҳусан Нурматов умидини узмайди, сабр-тоқат билан С.Муҳиддиновдан ҳақини талаб этиб юради. Чунки, ҳозирги замонда бировнинг катта миқдордаги ҳақини бермай кетиш мумкинлигига Ҳусан ишонмайди. Ахир, лафздан ташқари қонун ҳам бор-ку, деб ўйлайди.

Айни замонда Ҳ.Нурматов ҳалол тижорат билан фаол машғул бўлади. Чирчиқ шаҳрида ўзбек-немис тадбиркорлари билан ҳамкорликда Мармелад заводи барпо этишга киришади. 1996 йил 28 август куни немис мутахассислари билан ҳамкорликда қўшма корхонанинг техник-иқтисодий лойиҳаси ишлаб чиқилади. Юқори даражада музокаралар бошланиб кетади. Лойиҳа бўйича Ўзбекистонга 18 миллион АҚШ доллари миқдорида хорижий инвестиция жалб этишнинг реал имконияти пайдо бўлади.

1996 йил октябрь ойида Ҳ. Нурматов янги қўшма корхона тўғрисида шартнома тузиш, ҳужжатларни расмийлаштириш учун Германияга бориши лозим эди. Шу боис у С.Муҳиддиновдан, ҳеч бўлмаса қарзнинг бир қисмини тўлашини сўрайди. С.Муҳиддинов Л.Аҳадий гувоҳлигида ёрдам беришга ваъда беради. Германиядан қайтгандан сўнг пахта толасининг ҳақи масаласида жиддий шуғулланажагини, керак бўлса, ўзи Чехияга бориб, ҳужжатларни ўрганишини айтади. Ҳ.Нурматов эса ваъдага яна ишониб бир қисм қарзни олаётгани тўғрисида тилхат ёзиб беради. Бироқ, С. Муҳиддинов охирги марта ҳам сўзида турмайди — ИИВ ходимларига ёлғон маълумот етказиб, Ҳ.Нурматовни бадном этмоқчи ва шу йўл билан даъвогардан қутулмоқчи бўлади. Гўё Ҳ.Нурматов жиноят Кодексининг 165-моддасининг «а» бандида кўрсатилган жиноятга шайланиб турган эмиш. Бундан ташқари, 173-модданинг «в» бандида кўрсатилганидек, «мулкни қасддан нобуд қилиш»га ва 177-модданинг «а» бандида кўрсатилган жиноятларга алоқадор деб кўрсатма беради.

С. Муҳиддинов 16 октябрь куни (1996 й.) ИИВ ходимларига ёзган аризасида товламачилар ундан 50 минг АҚШ доллари талаб қилаётганини кўрсатиб ўтади. Айнан ўша куни ёзган тушунтириш хатида эса, Нурматов, Деҳқонов ва уларнинг тўрт нафар жангариси ака-укани дўппослаганини, 20 минг долларга берилган «тилхат»ни ҳамда 350 минг АҚШ долларини тортиб олишиб, яна тағин 16 октябрга қадар 50 минг АҚШ доллари топиб бериш тўғрисида муҳлат берганини айтади. Лекин, 1996 йил август ойида Ҳ.Нурматов ва унинг йигитлари С.Муҳиддиновнинг ишхонасида безорилик қилгани тўғрисида ҳеч нарса дейилмайди. 17 октябрь кунги тергов қайдномасида эса Муҳиддинов ишхонасида икки минг доллар миқдоридаги мулкнинг барбод этилгани ҳақида кўрсатма беради.

Воқеалар давоми худди детектив кинодагидай тезлашиб кетган. 1996 йил 16 октябрь куни Саттор Муҳиддинов «Ғазалкент» фирмасининг идорасига сим қоқиб, пахта толаси ҳисобидан 20 минг АҚШ доллари ҳозирлаб қўйганини айтади ва тилхат бериб, пулни олиб кетишни Ҳ. Нурматовдан илтимос қилади. Ҳ.Нурматов айнан ўша куни Германияга кетаётгани учун ўз фирмасида турли лавозимларда ишлайдиган ходимларидан пулни олиб келишни илтимос қилади. Тошкент шаҳрининг Чимкент кўчаси, 20-уйда жойлашган «Феррум Трейдинг» қўшма корхонасининг идорасига Т. Олтинбеков, О. Деҳқонов, Г. Хлопкин борадилар. Ҳамда кечки соат 20да ИИВ ходимлари томонидан ҳозирлаб қўйилган 20 минг АҚШ долларини олаётган пайтларида ҳибсга олинадилар. Уларнинг чўнтакларидан ёки кўчада қаровсиз қолдирилган автомашиналаридан 5 грамм миқдорида наша ва бир неча дона патрон топилади.

Бир йилдан ортиқ муддат давомида суд тергови давом этди. Кўплаб гувоҳлар сўроқ қилинди. Ҳатто Чехиядан ҳам (Л.Грубошдан) ишга алоқадор кўргазма олинди. Ниҳоят, 1997 йилнинг 4 ноябрь куни Тошкент шаҳар Миробод туманида суд мажлиси поёнига етиб, суд тергови жараёнидаёқ Ҳ.Нурматовга тиркалаётган «товламачи» айби бекор қилинди. Бир йил мобайнида ноҳақ ҳибсда сақланган тўрт нафар тадбиркор устидан бир томонлама тергов олиб борилганлиги судда фош бўлиб, охирокибат ҳақиқат қарор топди. Ҳусан Нурматов ҳамда унинг ходимлари суд залидан озод қилиндилар. Саттор ва укаси Акобир Муҳиддиновларнинг бошқа жиноий ҳаракатлари очилиб қолди...

Набижон БОҚИЙ

БАРКАМОЛ АВЛОДГА ДАХЛДОР

Янги қонунлар жилоси

Маънавий баркамол инсонни тарбиялаш, бунинг учун таълим ва маорифни янада такомиллаштириш, ёш авлод онгига миллий уйғониш ғоясини сингдириш ҳозирги даврнинг энг долзарб вазифаларидан бўлиб қолди. «Таълим тўғрисида»ги Қонун, «Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури» таълим ва тарбия тизимидаги сўнгги ютуқлар асосида шаклланган, касб-ҳунар маданиятига, ижодий ва ижтимоий фаолликка, мамлакатимиз сиёсатини изчил ва пухта амалга ошириш қобилиятига эга бўлган кадрларнинг янги авлодини етиштиришга мўлжаллангандир. Мамлакатимиз раҳбари И.А. Каримов «Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури»нинг ярим йиллик фаолиятига бағишлаб ўтказилган анжуманда уни амалга татбиқ этиш масаласи қониқарли аҳволда эмаслигини таъкидлаб, ушбу ҳужжатни давлатимиз сиёсий ва ижтимоий ҳаётига чуқур сингдиришни тезкорлик билан амалга ошириш йўл-йўриқларини айтиб ўтган эди.

Педагог олимлар замонавий маданият, иқтисодиёт, фан, техника ва технологияларнинг сўнгги ютуқлари асосида кадрлар тайёрлашнинг мукаммал тизимини шакллантирувчи илғор кучдир. Бўлажак ўқитувчи эса Миллий дастур ғояларини мукаммал таҳлил этиб, ҳаётга татбиқ этувчи ижодкордир. Тошкент шаҳар лицейларида, умумтаълим мактабларида, олий ўқув юртларида ўтказилган анжуманлар асосида шундай хулоса қилиш мумкинки, маориф соҳасида фаолият кўрсатаётган ҳар бир мутахассис ўзининг онги, шуури ва касбига Миллий дастур ғояларини чуқур сингдириши керак, бу эса ижодкорликни изланувчанликни талаб қилади. Шунинг учун Миллий дастур билан боғлиқ бўлган тадбирларни доимий равишда педагогика олий ўқув юрти талабалари билан уюштириш мақсадга мувофиқдир. Уни ўрганишда бир хилликка суянмаслик, иложи бўлса, ноанъанавий жараённи қўллаш керак.

Ушбу жиҳатларни ҳисобга олган ҳолда олий ўқув юртларида Миллий дастурни беш қисмга бўлиб ўрганиш тақозо этилади.

Таълим тизимидаги муаммоларни бартараф этиш.

Миллий дастурнинг мақсади, вазифалари ҳамда уларни амалга оширишнинг асосий босқичларини талабалар онгига етказиш.

Кадрлар тайёрлашнинг ўзига хос миллий модели ҳақида.

Кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштиришнинг асосий йўналишлари.

Дастурни амалда жорий этишга доир тадбирлар.

Миллий дастурнинг мақсади — таълимни тубдан ислоҳ қилишдир. Ушбу мақсад жараёнида вужудга келадиган вазифалар ҳақида, уни амалга ошириш босқичлари тўғрисида гапирилганда мазмунан алоҳида таъкид талаб этиладиган тушунчалар ҳам бор. Уларни талабалар сўраб улгурмасданоқ шарҳлаб бериш лозим. Чунончи, «Стандарт ва давлат таълим стандарти», «рейтинг», «мониторинг», «модель», «бакалавриат», «магистратура», «янги ахборот технологияси», «янги педагогик технология», «янгича педагогик тафаккур», «узлуксиз педагогик таълим», «академик лицей», «касб-ҳунар коллежи» каби тушунчалар шулар жумласидандир.

Узлуксиз таълим юқори малакали рақобатбардош кадрлар тайёрлашга замин яратади. Шу нуқтаи назардан у узлуксиз педагогик таълим асосидагина ривожланиши мумкин. Келажакда юксак иқтидорли, ўз касбининг моҳир устаси, савияли, маънавий бой кадрлар тайёрлаш ўқитувчилар зиммасига юклатилади. Янги қабул қилинган «Таълим тўғрисида»ги Қонун асосида, кадрлар тайёрлашда узлуксиз таълимни такомиллаштириш принципларини бўлажак ўқитувчилар пухта билиши лозим. Ўқувчининг касбни онгли равишда танлаши, иқтидори, қизиқиши ва билими асосида академик лицейларга ёки касб-ҳунар ўқув юртларига (коллежлар) бориб, ўқишини давом эттириши ихтиёрий, таълим олиши эса мажбурийдир. Шунинг учун ихтиёрий-мажбурий билимнинг ижтимоий сабабларини талабаларга тушунтириш лозим. Таълимнинг инсонпарварлиги, демократик характер касб этиши, таълимнинг узлуксиз ва изчил бўлиши давлатимиз сиёсатининг асосий принципларидир. Бугунги талаба, эртанги бўлажак ўқитувчидир. У замонавий маданият, иқтисодиёт, фан-техника ва технологияларнинг энг сўнгги ютуқлари асосида миллий кадрлар тайёрловчи шахс.

Бўлажак ўқитувчи маҳорати «Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури»ни такомиллаштириш, уни амалга ошириш учун доимо шаклланиб борадиган жараёндир.

Азамат ХОЛИҚОВ,
педагогика фанлари номзоди

Vatanni sevmak iymondandur!

O'ZBEKISTON OVOZI

O'zbekiston Xalq demokratik partiyasi gazetasi

1998 yil 23 iyun, seshanba № 74 (22.311).

Gazeta 1918 yil 21 iyundan chiqa boshlagan

КИМ ҚОЛАДИЮ, КИМЛАР ҚАЙТАДИ...

Жаҳон чемпионати авж палласига кириб бормоқда. Имкониятлардан етарли фойдаланган Бразилия, Франция, Нигерия,Аргентина, Хорватия футболчилари 6 тадан очко тўплаб муддатидан илгари нимчорак финалга йўлланма олишди. Голландия, Германия, Дания, Югославия ва Италия футболчилари эса 4 тадан очко жамғаришган. Демак, бу жамоалар курашни давом эттириш учун яна саъй-ҳаракат қилишларига тўғри келади. Омадсизлар — Ямайка, АҚШ, Жанубий Корея, Саудия Арабистони ва Япония жамоалари эса уйларига қайтиш учун йўл ҳозирлигини кўришга мажбур бўлиб туришибди. Боиси, эндиги учрашувлар бу жамоалар учун ҳеч қандай наф бермаслиги табиий.

Шундай қилиб, қолган 27 жамоа курашни давом эттирмоқда. Кеча эса Руминия — Англия, Колумбия — Тунис учрашувлари билан гуруҳлардаги иккинчи тур ўйинлари якунланди. Бугун эса Бразилия — Норвегия, Шотландия — Марокаш, Италия — Австрия, Чили — Камерун учрашувлари билан учинчи тур ўйинлари бошланади. Шу ҳафта охиригача яна томошабинга айланадиган 11 жамоанинг номи аниқланади. Қолган 16 жамоа ўртасида эса чемпионатнинг ҳал қилувчи босқич ўйинлари ўтказилади.

Дам олиш кунлари бўлиб ўтган учрашувлар ҳақида сўзлайдиган бўлсак, Нигерия — Болгария (1:0) учрашувида Африка футболчиларининг ғалаба қозониши муҳлису мутахассисларни яна бир бор ҳайратга солди. Зеро, бу жамоа ҳомийлари ўз ватандошларини рағбатлантиришни ўрнига қўйишмоқда. Хусусан, улар иккинчи ғалабани қўлга киритгудек бўлсалар ҳар бир ўйинчига 15 минг доллардан берилиши ваъда қилинганди.

Иккита йирик ҳисоб қайд қилинди. Голландия — Жанубий Корея ҳамда Аргентина — Ямайка учрашувлари бир хил — 5:0 ҳисобида тугади. Испания — Парагвай учрашувида ҳисоб очилмади. Бельгия — Мексика учрашуви (2:2) ҳам дуранг бўлди. Япония — Хорватия учрашуви 0:1 ҳисобида якунланди. АҚШ — Эрон ўйини ҳам қизиқарли бўлди. Унда Эрон футболчилари 2:1 ҳисобида устун келишди. Германия футболчиларининг дастлабки учрашувини кузатган футбол қироли Пеле: «Бу жамоа жаҳон кубогига асосий талабгорлардан бўлади», деган мулоҳазани билдирганди. Югославияликлар билан ўйинда улар ўз дарвозаларидан иккита тўп ўтказиб юбориб, кейин немисча аниқлик ва совуққонлик билан ҳаракат қилишди. Учрашув охиригача иккита жавоб тўпи йўллаб, мағлубиятдан қутулиб қолишди.

Ҳайдар НОСИРОВ

Тошкент шаҳар Ҳамза тумани 244-мактаб томонидан Моҳира Собировна Қобулова номига берилган ўрта маълумот ҳақидаги O`P-A-002233 рақамли шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

РИВОЯТ ВА ТЕАТР

Одамлар ривоятларда ҳаёт ҳақиқати, қолаверса, турмуш зийнати ва орзу-умидларини кўргандек бўладилар. Шунинг учун бўлса керак, Ўзбекистон телевидениеси маълум кун ва соатларда «Ривоят» деб аталувчи ўзига хос ҳикоялар туркумини эълон қилиб борганида томошабинлар ўз юмушларини йиғиштириб, экран ёнига жамланадиган бўлиб қолишган. Ривоятларни бир актёр театри даражасига кўтара олган таниқли артист Лутфулла Саъдуллаевнинг эса кўп қиррали санъаткор экани намоён бўлди. Ана шу актёр хайрли ишга қўл уриб, Гулчеҳра Саъдуллаева билан ҳамкорликда «Ривоят ва театр» асарини саҳналаштиришга эришди. Муаллиф ва режиссёр сифатида Лутфулла Саъдуллаевга хос талқин Ботир Йўлдошев танлаган мусиқа билан уйғунлашган. Бир сўз билан айтганда, бу асарни томошабинлар илиқ қаршиламоқдалар.

Бобомурод РАЙИМОВ
Суратларда : янги саҳна асаридан кўринишлар. Шавкат АКРОМОВ олган суратлар.

ФРАНЦИЯ. ТУЛУЗА ШАҲРИ КЎЧАЛАРИДА
Анвар ИЛЁСОВ («Жаҳон» АА) олган суратлар



«Ўзенгилсавдо» акционерлик жамиятининг 1997 йил молиявий иш якунлари бўйича ҳисобот

ПАССИВ

№	Номлари	Миқдори
1.	Хусусий айланма маблағ манбалари	(минг сўм)
а.	Низом капитали	2634
б.	резерв капитали	420
в.	тақсимланмайдиган фойда	7420
2.	Мажбуриятлар	
а.	қарз берувчилар билан ҳисоб-китоб	8873
б.	узоқ муддатли қарзлар ва кредитлар	7086
	БАЛАНС:	**26483**

АКТИВ

№	Номлари	Миқдори
1.	Асосий активлар	(минг сўм)
а.	асосий маблағ	2715
б.	узоқ муддатли капитал қўйилмалар	922
2.	Оборот активлари	
а.	ишлаб чиқариш заҳиралари ва унинг фойдаланиши	12014
б.	пул маблағлари	2952
в.	қарздорлар билан ҳисоб-китоб	7860
	БАЛАНС:	**26483**

Балансннинг ишончли эканлиги «Аудитбиржасавдо» фирмаси томонидан тасдиқланди. (Молия вазирлиги 3 июль 1996 йил № 132). «Ўзенгилсавдо» АЖнинг 1997 йилги умумий фойдаси 86155 минг сўм. Харажатлар ва зарурий тўловлар — 81515 минг сўм. Йиллик соф даромад — 4640 минг сўм

ДИҚҚАТ!
ТОШКЕНТ ШАҲАР КЎЧМАС МУЛК БИРЖАСИ 1998 ЙИЛ 3, 17, 31 ИЮЛЬ КУНЛАРИ СОАТ 11.00да КИМ ОШДИ ВА БИРЖА САВДОЛАРИНИ ЎТКАЗАДИ. САВДОГА ҚУЙИДАГИЛАР ҚЎЙИЛАДИ:

1. Сирғали тумани ҳудудида жойлашган якка тартибда уй-жой қуриш учун ер участкалари. Бошланғич нархи — 224449 сўм. (ҳар бир ер участкасининг майдони 0,04га).

2. Собир Раҳимов туманининг Қамарнисо кўчасида жойлашган «Табиат ноз-неъматлари» шўйба корхонасининг 21-сонли дўкони, умумий майдони 728,46 кв. м. Бошланғич нархи 9786159.0 сўм.

3. Бектемир туманининг Соловьев кўчасида жойлашган «Махсусмонтажсувчиқариш» корхонасининг омборхонаси, умумий майдони 1728 кв.м. Бошланғич нархи 7598937.0 сўм.

4. Мирзо Улуғбек туманининг Я. Колас кўчасида жойлашган 2-марказий поликлиника филиали биноси, умумий майдони 470.2 кв.м. Бошланғич нархи 1.020191.0 сўм.

5. Мирзо Улуғбек туманининг Я. Колас кўчасида жойлашган «Тошкент шаҳар тез ёрдам кўрсатиш станцияси» биноси, умумий майдони 359.0 кв.м. Бошланғич нархи 869667.0 сўм.

6. Сирғали туманида жойлашган «Электромаш» ИЧБнинг 6-маъмурий биноси. Бошланғич нархи 2.463971.0 сўм.

7. Сирғали туманида жойлашган «Электромаш» ИЧБнинг 13-маъмурий биноси (ошхона). Бошланғич нархи 40.458657.0 сўм.

8. Бектемир туманида жойлашган «Ўзсувқурилиш» давлат концернига қарашли «СПМК-5» корхонасининг икки қаватли маъмурий биноси, омборхона ва таъмирлаш цехи. Бошланғич нархи 15419000 сўм.

9. Сирғали туманида жойлашган қурилиши тугалланмаган «Жамоа савдо маркази» биноси. Бошланғич нархи 12212000 сўм.

10. Сирғали туманида жойлашган «Ўзсаноатҳўжаликқурилиш» давлат корпорациясига қарашли «ПМК-165» корхонасининг майдони 446,32 кв.м., бўлган маъмурий биноси. Бошланғич нархи 1600000 сўм.

11. Шайхонтоҳур туманида жойлашган Геодезия ва картография бошқармасига қарашли 223- бирлашган комплекс экспедициясининг қурилиши тугалланмаган иншоати. Бошланғич нархи 7975430 сўм.

12. Мирзо Улуғбек туманида жойлашган «1-сон Тошкент тажриба-экспериментал механика заводи» акционерлик жамиятининг:

— 2 та «ЗИЛ-ММЗ» русумли автомобили, бошланғич нархи 186484,0 ва 207205,0 сўм:
— «ЗИЛ-130» русумли автомобили, бошланғич нархи 146628,0 сўм:
— «УАЗ-469» русумли автомобили, бошланғич нархи 49676,0 сўм:
— «УАЗ-452» русумли автомобили, бошланғич нархи 82743,0 сўм:
— «МАЗ-504» русумли автомобили, бошланғич нархи 268705,0 сўм.

13. Миробод туманида жойлашган «МТА» хиссадорлик жамиятининг:

— 2та «ГАЗ-2417» русумли автомобили, бошланғич нархи 71033 ва 140695,0 сўм:

14. Тошкент давлат 2-тиббиёт институтининг:

— 2 та «Москвич-21412» русумли автомобили, бошланғич нархи 53787,0 ва 57924 сўм:
— «Москвич-2140» русумли автомобили, бошланғич нархи 34073,0 сўм:
— «РАФ-2203» русумли автомобили, бошланғич нархи 110318 сўм.
— «ВАЗ-21063» русумли автомобили, бошланғич нархи 93123,0 сўм.

15. Акмал Икромов туманида жойлашган 2512-автожамламанинг «ГАЗ-5227» русумли автомобили, бошланғич нархи 89400,0 сўм.

16. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси «Академтаъминот» хўжалик ҳисобидаги бўлинмасининг «ГАЗ-24» русумли автомобили, бошланғич нархи 52542,0 сўм.

17. Сирғали туманида жойлашган «Нилуфартранс» акционерлик жамиятининг:

— «КАМАЗ-5511» русумли автомобили, бошланғич нархи 147625,0 сўм:
— «ГАЗ-5312» русумли автомобили, бошланғич нархи 117798,0 сўм.

18. Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги Бош савдо бошқармаси автомобиль базасининг:

— «ГАЗ-5212-01» русумли автомобили, бошланғич нархи 89400,0 сўм:
— «УАЗ-3151» русумли автомобили, бошланғич нархи 65585,0 сўм:
— «УАЗ-469» русумли автомобили, бошланғич нархи 53660,0 сўм:
— «ГАЗ-5312-01» русумли автомобили, бошланғич нархи 158933,0 сўм:
— «МАЗ-64227» русумли автомобили, бошланғич нархи 834720,0 сўм.

19. «Тошиссиққувват» бирлашмаси транспорт ва механизмлар корхонасининг ИЖ-2715-01-014 русумли автомобили, бошланғич нархи 50477,0 сўм.

20. Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалик Фанлар академиясига қарашли хўжалик ҳисобидаги автокорхонанинг:

— 2та «КАМАЗ-5320» русумли автомобили, бошланғич нархи 438800,0 ва 877600,0 сўм:
— «ВАЗ-2121» русумли автомобили, бошланғич нархи 59135,0 сўм:
— «Москвич-412» русумли автомобили, бошланғич нархи 79853,0 сўм:
— «ИЖ-2715-011» русумли автомобили, бошланғич нархи 60847,0 сўм.

Шу билан бирга Давлат хазинасига қарздор бўлган корхоналарнинг ҳар хил турдаги асбоб-ускуналари ҳам савдоларга қўйилади.

Ким ошди ва биржа савдоларида юридик ва жисмоний шахслар қатнашиши мумкин. Биржа савдолари ҳафтанинг сешанба ва пайшанба кунлари ўтказилади.

Тўловлар турли шаклларда амалга оширилади.

Манзилимиз:
Тошкент шаҳри, Абдулла Қодирий кўчаси 13, I-қават, I-хона
Телефонлар: 144-44-72, 144-44-73,
Шошилинг бу сизнинг имкониятингиз!

ҲАЙРАТДАН ТУҒИЛГАН КАЛОМ

Нигоҳ

Чинакам ижодкорлик сиру синоатлари бисёр. Санъат асарларини гоҳида чуқур изтироб юзага келтиради дейишса, баъзан уни ҳайрат фарзанди ҳам дейишади. Ёрқин истеъдодларга хос бўлган бу икки туйғу одам боласига завқ бериб келаётган кўплаб асарлар омили эканлиги ҳам бор гап. Таниқли адабиётшунос олим Шариф Юсуповнинг «Маънавият» нашриётида чоп этилган «Санъат ва ҳайрат» китобини ўзбекнинг буюк истеъдодлари санъатидан ҳайрат туфайли туғилган калом дегимиз келади.

Китобда санъатимизнинг улуғвор даргалари бўлмиш Мулла Тўйчи Тошмуҳамедов, Расулқори Муҳаммадалиев, Жўрахон Султонов, Маъмуржон Узоқов, Шожалил ва Шораҳим Шоумаров, Мукаррамахоним Турғунбоева, Муҳаммаджон Мирзаев ва бошқа талай истеъдодлар ҳаёти, ижоди, уларнинг соф инсоний интилишлари хусусида мароқ ва завқ билан ҳикоя қилинади.

Муаллиф қайси давр ҳақида сўз юритмасин доимо ибрат излайди. Санъатнинг энг долзарб муаммоларидан сўз очади. Санъаткор қадри ва одоби, шоир, ҳофиз, бастакор муносабатлари ва ҳамкорлиги, тингловчи-мухлисга ҳурмат, ижод машаққатлари теран таҳлил қилинади. Масалан, китобдан ўрин олган, анча йиллар аввал ёзилган «Ашулачи шеърият шайдоси бўлсин» очеркида кўтарилган муаммолар бугунги кунда ҳам ҳамон долзарблигича қолмоқда. Ҳозирги кунора пайдо бўлаётган гуруҳларнинг айрим ёш қўшиқчилари «куйлаётган» маза-матрасиз оҳ-нолаларни тинглаб ногаҳон китобдаги қуйидаги жумлалар эсга тушади: «Баъзи ашулачи ва бастакорларимиз шеъриятга муносабатида тингловчини ранжитадиган нуқсонлар кўзга ташланади. Биз-нингча, бундай нуқсонларнинг энг хавфлиси қўшиқ матнига маъсулиятсизлик билан қараш-дир. Айрим ашулачиларимиз шу даражага бориб етмоқдаларки, икки хил шоирнинг икки хил замонда яратган, бутунлай бошқа-бошқа ғояларини, бошқа-бошқа кайфият ва туйғуларини ифодалаган ғазалини бир-бирига «пайванд» қилиб, қориштириб ягона куйга солиб айтмоқдалар. Шундан сўнг мисол тариқасида Машрабнинг «Ишқнинг ўтига куйгони келдим» деб бошланадиган ғазали келтирилади. Бу ғазал орқали, биринчидан, Машраб яшаган давр ҳақида тасаввур ҳосил бўлса, иккинчи томондан, унда айрилиқ ва ҳижрон азобида ўртанган ошиқнинг изтироблари ўз ифодасини топган. Ушбу қўшиқ мусиқаси ҳам ғазалнинг ана шундай маҳзун руҳига мос. Аммо, бир санъаткор Собир Абдулланинг «Тўйлар муборак» ашуласи билан Машрабнинг юқорида номи тилга олинган ғазалини қориштириб айтганлиги — мазмун-моҳияти кескин фарқ қилувчи бу икки шеърни «пайвандлаш» натижасида бири боғдан, бири тоғдан келувчи қўшиқ пайдо бўлганлиги таассуф билан тилга олинади.

Муаллифнинг мазкур мулоҳазалари ҳозир ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаган бўлиб, талай ҳаваскорлар ва айрим таниқли хонандалар «ижоди»даги қурама куй-қўшиқларни ёдга солади.

Ушбу тўпламнинг яна бир аҳамиятли жиҳати — ўн тўққизинчи аср ўзбек адабиётининг ёрқин юлдузи шоир Фурқат ҳақида муҳим тадқиқотлар мавжудлигида кўринади. Шариф Юсупов бу ўринда ҳам асосий мавзуга содиқ қолиб, шоирнинг санъат аҳли билан муносабатига алоҳида эътибор беради. Фақат «Бал баҳона бўлди», деб номланган тадқиқотда ижтимоий мазмун устунлик қилади. Фурқатнинг «Бал хусусида» шеъри шу пайтгача мавжуд қарашлардан тамоман фарқ қилувчи янгича, асл мазмунга таянилган ҳолда талқин қилинади.

Олим адабиёт ва санъат олами ягона эканлиги, бу икки улуғ қўрғон пойдевори бирлигини беназир адибларимиз ва бетакрор санъаткорларимиз дўстлиги, тақдири, муносабатлари ва мулоқотлари орқали очиб беради. Ўқувчи эса маънавий қўрғоннинг мангуликка эш бўлган буюк зотлари ҳаётига китоб саҳифалари орқали ошно бўлади.

Олимнинг ушбу китоби маданиятимиз тарихини тадқиқ ва тарғибот қилувчи кўплаб асарлар қаторидан муносиб жой олиб, ўқувчилар диққатини тортиши тайин.

Олимжон ФАЙЗИЕВ,
доцент

«Ўзбекистон овози» газетаси жамоаси таҳририятнинг собиқ ходими, таниқли ёзувчи **Ашурали АҲМЕДОВнинг** вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур ҳамдардлик билдиради.

Бош муҳаррир
Азим СУЮН

Таҳрир ҳайъати
Абдулла ОРИПОВ
Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ
Азиз НОСИРОВ
Одилжон ОЛИМЖОНОВ
Ислом ШОҒУЛОМОВ
Салим АШУРОВ (бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари)
Норбобо ШАКАРОВ (бош муҳаррир ўринбосари)
Андрей ОРЛОВ (бош муҳаррир ўринбосари «Голос Узбекистана»)
Алимқул СУЛТОНОВ (масъул котиб — «Ўзбекистон овози»)
Валерий ЛАБАРЕШНИХ (масъул котиб — «Голос Узбекистана»)

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ
ГОЛОС УЗБЕКИСТАНА

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

БЎЛИМЛАР:
Мафкура ишлари ва партия ҳаёти — 133-76-04, 136-33-40.
Парламент фаолияти ва ҳуқуқ — 133-07-20, 136-54-06.
Иқтисодиёт — 133-21-43, 136-57-22.
Фан ва маданият — 133-20-36, 136-33-40.
Хатлар ва оммавий ишлар — 133-76-04.
Ахборот ва спорт — 133-12-56, 136-55-16.
Халқаро ҳаёт — 133-20-36.
Саноат, қурилиш ва транспорт бўлими — 133-07-20.
Реклама ва эълонлар — 133-38-55, 133-47-80.
факс — 133-38-55, 133-54-55

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:
Андижонда — 25-16-16;
Бухорода — 23-51-40;
Гулистонда — 25-16-22;
Жиззахда — 3-29-44;
Навоийда — 3-39-20;
Наманганда — 6-43-43;
Нукусда — 7-58-83;
Самарқандда — 35-20-54;
Тошкентда — 133-76-04;
Урганчда — 6-51-35;
Фарғонада — 24-54-61;
Қаршида — 3-25-79;
Қумқўрғонда — 5-26-24.

МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси.
Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи муҳаррир Ҳайдар НОСИРОВ, навбатчи Бобомурод РАЙИМОВ

Рўйхатдан ўтиш тартиби №00120
Газета офсет усулида, А—2 форматида, 27.543 нусхада босилди.
Ҳажми 2 босма табоқ.
«Ўзбекистон овози» материалларини кўчириб босиш фақат таҳририят рухсати билан амалга оширилади.
Г — 080

Босишга топшириш вақти — 21.00.
Топширилди — 22.50.
1 2 3 4 5 6.

СОТУВДА ЭРКИН НАРХДА